

ТУРСУНАЛИ МИРЗАҚУЛОВ

ГРАММАТИКА
ЎҚИТИШНИНГ
ЛИНГВИСТИК
АСОСЛАРИ

Урта мактаб ўқитувчилари ва олий мактаб
талабалари учун қўлланма

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Морфемика ўқитишнинг умумтаълим ва тарбиявий асос- лари	5
Морфемика ва унинг асосий масалалари	9
Морфемалар таснифи	14
Ёрдамчи морфемалар таснифи	27
Морфонология ва морфосинтаксиснинг баъзи масалалари	41
Адабиётлар рўйхати	53

М $\frac{4602000000 - 102}{353 (04) - 94}$ 13-94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1994

ISBN 5-645-02149-5

СУЗ БОШИ

Сўнги йилларда ўзбек тилшунослигида эришилган ютуқлар таълим мазмуни ва ўқитиш усуллариغا туб ўзгаришлар киритиш заруратини вужудга келтирди. Бундай зарурат Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги Қонуни мантиқидан келиб чиқади.

Ўзбек тилининг давлат тили мақомига эга бўлиши унинг имкониятларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тўла рўёбга чиқаришга ундайди. Ана шу имкониятларни тегишли даражада кўрсатиш ва амалда мустаҳкамлаш, айниқса, она тили ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ҳозирги замон ўқитувчиси илғор тажриба, фан ютуқлари билан қурулланган бўлиши керак. Лекин сўнги йилларгача, бошқа фанлар қатори, она тилининг ўқитилишига ҳам етарли эътибор берилмади, пухта илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилмади. Хусусан, дарсликлар мазмуни ва улардаги материалнинг берилиш тарзи фан ютуқларидан орқада қолди. Шу боис ўрта ҳамда олий мактаб дарсликларни мазмунида кескин фарқ ва узилишлар юзага келди. Бу нарса ўрта мактаб ўқитувчилари фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

Она тили дарсликларининг мазмунини такомиллаштириш, фан ютуқларини мактаб ҳаётига татбиқ этиш шу куннинг муҳим вазифаларидандир.

Маълумки, асримизнинг 50-йилларидан бошлаб тилшуносликда сўз ясалиши ва морфемика алоҳида соҳа сифатида белгилана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир-аъзоси, профессор А. П. Ҳожиев «Дарсликлар талаб даражасида бўлиши» («Ўқитувчилар газетаси», 1987 йил, 18 март) мақоласида «морфемика, сўз ясалishi, морфология каби бўлимлар ўзаро алоқадор, лекин ўзига мустақил бўлимлар экани аллақачон исбот этилди ва тан олинди. Бу билан тил ҳодисаларининг моҳиятини, уларнинг ўзаро муносабатини тўғри ва осон тушуниш имкони тугилди», — деб ёзади. Олимнинг фикрича, «... қандай ном билан аталishiдан қатъи назар, ўзбек тили дарсликлари ўқув қўлланмаларида сўзнинг маъноли қисмлари (ўзак ва аффикслар) ҳақида маълумот берувчи алоҳида бўлимнинг бўлиши шарт».

Ана шу долзарб эҳтиёжни ҳисобга олиб, тил қурилишидаги морфем бирликларни ўрганувчи бўлим (фан) — «Морфемика»нинг лингводидактик ва тарбиявий асослари, асосий тушунчалари ва бирликлари, морфемаларнинг маъно ҳамда вазифаси билан боғлиқ ҳолда таснифи масалалари, морфемалардаги товуш ўзгаришлари ва уларнинг бирикиш хусусиятлари ҳақида маълумот беришни мақсад қилиб қўйдик. Урни билан ушбу соҳадаги атамашунослик муаммоларига ҳам тўхтаб ўтдик.

Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослиги морфемика бўйича А. Н. Кононов, Н. А. Баскаков, Э. В. Севортян, А. Ғ. Ғуломов, С. Усмонов, А. П. Ҳожиев каби йирик олимлар томонидан бажарилган муҳим илмий тадқиқотларга эга. Ушбу тадқиқотлардаги илмий хулосалар ва фанда сўнгги йилларда эришилган ютуқлар тегишли масалаларни кўриб чиқишда назарий асос сифатида хизмат қилди.

МОРФЕМИКА ҲҚИТИШНИНГ УМУМТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Тил тизими ўзаро боғланган, бири иккинчисини тақозо этувчи сатҳларнинг мураккаб муносабатидан иборат. Бу сатҳлар тилнинг товуш томони, луғат таркиби, сўз ясалиши, морфем ҳамда грамматик қурилишидир. Ўрта мактаб дарсликларида фонетика, лексикология, грамматика ҳақида кенг маълумот берилади. Морфемикага доир маълумотлар эса сўз таркиби номи билан сўз ясалиши ва грамматика доирасида ўрганилади. Албатта, грамматика (синтаксис) фонетик ҳамда луғавий материални, морфемаларнинг бирикиши жараёнини ташкил этувчилик, бошқарувчилик вазифасини бажаради. Лекин ҳар бир сатҳ ўз доирасида нисбий мустақиллиги, лингвистик моҳияти билан ажралиб туради. Шу сабабли сўз ясалиши ва морфологиядан олдин морфемикага доир ҳодисалар: мустақил ҳамда ёрдамчи морфемалар, ўзак ва қўшимчалар ҳақида тегишли маълумотлар ўрин олиши лозим.

Ўрта мактаб тажрибасида грамматикани тор маънода сўз таркиби, сўзларнинг ўзгариши ва бирикиши ҳақидаги қоидалар тўплами деб тушуниш ва шу қоидаларни ёдлатишга асосланган таълим қўтилган натижани бермади: ўқувчилар тўғри ёзиш ва сўзлаш малакаларига эга бўлмадилар. Бошқа томондан эса соф амалий жиҳатга урғу бериш тил ҳодисаларининг назарий изоҳини сусайтирди, тил билимларининг юзаки ўзлаштирилишига олиб келди.

Сўнгги йилларда тил ва нутқнинг яхлит бир ҳодисанинг икки томони сифатида белгиланиши муносабати билан тил ўқитиш усулларига бир неча хил ёндашув юзага келади.

Уларни тил бирликларини ўқитиш нуқтаи назардан қуйидаги принциплар бўйича тасвирлаш мумкин:

- 1) шаклдан мазмун — вазифага қараб бориш;
- 2) мазмундан шаклга қараб бориш;
- 3) ҳар иккала принцип асосида янги ёндашув — систем-функционал принцип бўйича изоҳлаш.

Мазмундан шаклга қараб бориш юқори синфларда, ўрта махсус ва олий мактаб амалиётида қўл келади, чунки бу ёшдаги ўқувчи — талабаларнинг тил имконияти ҳамда иқтидори, сўз бойлиги анча юксалган бўлиб, тил мазмун сатҳи бирликларини гуруҳлаш, солиштириш

ва таққослаш каби ақлий фаолиятларни бемалол ба-
жара олади.

Шаклдан мазмун-вазифага қараб бориш эса бош-
ланғич синфларда, IV-IX синфларда кўпроқ қўллани-
лади, чунки бирор бирликнинг мазмуни-вазифасини
аниқлаш яққалликдан умумийликка принципига таянади.

Систем-функционал ёндашув тил бирликларининг
шакл ва мазмуни вазифасини ўзаро боғлиқликда ўрга-
нишни тақозо этади. Бунда ҳар бир тил ҳодисаси тил
системасидаги ўрни, коммуникатив йўналганлиги, нутқ-
да, ўзаро мулоқотда қўлланиш хусусиятига қараб изоҳ-
ланади. Тил моддий-табiiй материал сифатида инсон
онгида маълум тушунча майдонларига бирлашувчи
руҳий тинсоллар мажмуаси бўлиб, нутқда ана шу маж-
муа тўплам, имконият ёки бойлик, хусусийлик тарзида
намоён бўлади.

Маълумки, ўрта мактаб дарслигида ўзак ва қўшим-
чалар, уларга вазифадош бирликларни қамрайдиган,
умумлаштирадиган атама — морфема ишлатилмайди.
Унинг ўрнида эса «сўзнинг маъноли қисмлари» бирик-
мали атама ишлатилган.

«Морфема» атамаси ва тушунчасини фанга олиб кир-
ган рус-поляк олими И. А. Бодуэн де Куртенэ ўз вақти-
да: «Бу атамани ортиқча деб ҳисоблаш умумлаштирув-
чи «дарахт» атамасини ортиқча деб ҳисоблашнинг ай-
нан ўзгинаси бўлиб, «дуб», «қайин», «арча», «тол» (нва)
каби хусусий номлар билан чекланишга олиб кела-
ди», — деб қайд этган эди. Ҳақиқатан ҳам, морфемика
алоҳида соҳа, морфем қурилиш тил сатҳи сифатида
мавжуд экан, ўзак ва қўшимчаларни, уларнинг барча
кўринишларини бирлаштирувчи морфема атамаси «Мор-
фемика» бўлими сифатида ўрта мактаб дарсликлари-
дан жой олиши керак. Чунки морфема энг кичик маъ-
ноли тил бирлиги сифатида луғат таркиби (лексиколо-
гия), сўз ясалиши, морфология ва синтаксис учун ҳам
шакл, ҳам мазмун жиҳатидан асос, моддий материал
бўлиб хизмат қилади. Морфеманинг шу хусусиятини
ҳисобга олиб, ўзбек тили янги дастури лойиҳасини ту-
зувчилар «морфемика»ни алоҳида соҳа сифатида кўр-
сатган, бунга 5-синфда 4 соат, 6-синфда 5 соат ажрат-
ган. Биринчи босқич 5-синфда морфема ҳақида (ўзак
морфема, аффиксал морфема, сўзларни ўзак морфема
ва аффиксал морфемаларга ажратиш) тушунча ҳо-

сил қилиш, 6-синфда эса ўқувчиларнинг морфемалар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш назарда тутилган. Морфемика масалаларининг дастурдан ўрин олганлиги ўзбек тилшунослигининг муҳим ютуғидир. Шу сабабли ишда морфемиканинг объекти, мазмуни ва мундарижаси, бирликлари, морфемалар таснифи масалалари умумдидактик, умумтаълим принциплари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Урни билан, морфеманинг руҳий моҳияти ҳақида ҳам фикр юритилади.

Ўқитувчидан морфемикага доир ҳодисаларни ўқувчилар онгига ижодий ёндашув асосида сингдириш талаб этилади. Шунга кўра, ишдаги назарий маълумотлар уларнинг ижодий ишлашлари учун йўл-йўриқ ва таянч бўлиши шубҳасиз.

Морфемага доир билимларни сингдира бориш умумдидактик-тарбиявий вазифани ҳам бажаради: бевожита ўқитиш, таълим бериш, билимларни ўстириш ўқувчини камолотга етказди. Морфемалар орқали янги сўз ясаш, форма ҳосил қилиш ва гап тузиш борлиқни ва инсон маънавий дунёсини билишнинг қудратли воситасидир.

Морфемалар, бошқа тил бирликлари каби, инсон хотирасида яшовчи бирликлардир. Бу бирликлар узоқ ўтмишнинг, тарихнинг маҳсули бўлиш билан бирга, инсон турмушида фаол ижтимоий восита сифатида унинг тажриба, малака ва кўникмаларини хотирада мустаҳкамловчи, авлоддан-авлодга ўтказувчи вазифани ҳам бажаради. Демак, сўз ҳамда форма ясаш қолиплари, гап кўринишларида намоён бўлувчи ўзак ва қўшимчалар инсон ижтимоий фаолиятининг маҳсулидир.

Юқорида «морфема» атамасининг дастур ва дарсликларга киритилиши муҳим ижобий ҳолат эканлиги қайд этилди. Шу билан бирга, морфемиканинг дидактик-тарбиявий томони шу соҳадаги атамаларни тартибга келтиришни тақозо этади.

Ўзбек тилшунослик атамаларини тўплаш, тартибга солиш ва изохлаш соҳасида жиддий ютуқлар қўлга киритилди. (44, 1.)¹ Шу билан бирга, атамашунослик тизими кўп босқичли жараён натижаси бўлиб, унинг

¹ Ярим қавс ичидаги биринчи рақам адабиётлар рўйхатидаги мавба номини, иккинчи рақам унинг саҳифасини билдиради.

ҳар бир босқичида манбани аниқ ва тўла акс эттирадиган атамаларга катта эҳтиёж сезилади. Айниқса, ўрта ва олий таълимни қайта қуриш авж олдирилган ҳозирги пайтда айни бир тил ҳодисасининг турли атамалар билан номланишини ижобий ҳолат деб бўлмайди. Бу нарса тилшуносликнинг морфемика соҳасида ҳам кузатилади. Унинг асосий тушунчаларидан бири — сўзнинг морфем тузилиши илмий ҳамда методик адабиётларда «сўз состави», «сўз таркиби», «сўзнинг морфологик тузилиши», «сўзнинг морфологик бўлиниши», «сўзнинг морфемали состави», «сўзнинг морфематик тузилиши» каби хилма-хил атамалар билан номланиб келинмоқда.

Тартибга солиш объектларни фаннинг сўнгги ютуқлари асосида номлаш принципига суянар экан, жинс тушунчасини билдирувчи, «сўз тузилиши» атамаси қуйидаги ҳодисаларни бирлаштириши мақсадга мувофиқдир: сўзнинг фонетик-фонологик тузилиши — сўзнинг семантик тузилиши — сўзнинг морфем тузилиши — сўз яшалиш тузилиши каби. Ўз навбатида, бу тузилишларнинг ҳар бири тилшуносликнинг муайян соҳаси текширадиган тил ҳодисаларининг аниқ номи бўлиб, хусусан, сўзнинг морфем тузилиши атамасига «сўз состави», «сўз таркиби» каби атамаларни синоним атама сифатида келтириш ёки алмаштириб қўлланнинг зарурати йўқ. Чунки сўзнинг состав, таркиб жиҳатидан товуш ёки фонемадан, бўғин ҳамда маъно компонентларидан ташкил топиши онгда турли хил ассоциатив боғланишларни вужудга келтирадигани, бу нарса атама маъносининг ноаниқлиги ва кўп маънолилигини келтириб чиқаради.

Кейинги йилларда тил фанини ўқитиш соҳасида олий ҳамда ўрта таълим орасида фарқ анча кучайди. Ўрта мактаб она тили дарсликларининг илмий-методик ва терминологик тизимлари фан ютуқларидан орқада қолди. (47.1) Буни биргина аффикслар ва уларнинг таснифида ҳам кўриш мумкин. Олий мактаб дарслигида улар икки турга (сўз ясовчи ва форма ясовчи), ўрта мактаб дарслигида эса уч турга (сўз ясовчи, форма ҳосил қилувчи ва сўз ўзгартувчи) ажратилади. Таълим тизимида эса турли хил ўлчовларга суянадиган тасниф амалий жиҳатдан ўзини оқламайди.

Шуниси қизиқки, ҳатто айрим тил ҳодисалари ўрта мактаб ўқувчиларига номсиз, бирор атама билан номланмаган ҳолда ўқитилиб келинмоқда. Масалан, қўшма аффикслар қўшма сўз ҳамда қўшма гаплар каби ўзбек

тили грамматик қурилишида ўз ўрни ва мавқенга эга. Шу сабабли дарсликдан содда ва қўшма аффикслар муносабатини кўрсатувчи мавзулар (-лик ва -чилик, ла ва -илла сўз ясовчи қўшимчалари каби) ўрин олган, тегишли мисоллар асосида (*кўпчилик, озчилик* каби сўзларда **-чилик**) улар бир қўшимча хисобланади, дейиш билан чекланилган.

Ўрта мактаб дарслигида қўшимча атамаси (аффикс атамасининг синоними) ишлатилади. Содда аффикс ва қўшма аффикс оппозицияси, қўшимча атамаси доирасида оҳангдорликнинг йўқолиши сабабли, содда қўшимча ва қўшма қўшимча тарзида юзага чиқмайди. Лекин «составли» ёки «мураккаб» атамалари **«содда қўшимча — мураккаб қўшимча, содда қўшимча — таркибли қўшимча** тарзида оппозиция ҳосил қилаверса-да, бу таълим тизимида маълум ҳодисанинг ҳар хил терминологик қаторлар билан ифодаланишига олиб келади («составли», «мураккаб» атамаларининг «қўшма» атамасига қараганда маъноси умумий эканлиги қайд қилинган) (49). Бу эса бир хиллаш принципларидан маълум даражада четлашишга сабаб бўлади. Фикримизча, ўрта мактаб она тили дарслигига аффикс атамасининг киритилиши юқоридаги каби ҳар хилликларга чек қўяди.

МОРФЕМИКА ВА УНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Морфемика тил қурилишидаги ўрни ва мавқенга кўра кенг ва мураккаб бир сатҳдир. Бу сатҳнинг асосий бирлиги морфема саналади. Морфема бошқа тил бирликлари (фонема, сўз, сўз бирикмаси ва гап моделлари) қатори энг кичик маъноли бирлик сифатида атамалилик (номинация), шакл ясаш ҳамда ҳукм чиқариш (предикация) жараёнлари учун хизмат қиладиган семантик-функционал элементдир.

Морфемаларнинг ўрганилиши узоқ тарихга эга: қадимги ҳинд, араб, Ўрта Осиё, грек-лотин ва славян грамматикаларида сўз таркиби тушунчасига тегишли ҳодисалар ва уларнинг айрим атама тизимлари шаклланиб борган.

Морфемага оид тадқиқотларда асосий эътибор ўзак морфема ҳамда унинг этимологик хусусиятлари, қариндош тиллараро товуш ва маъно мослиги каби масалалар-

га қаратилди, бошқа морфем бирликлар изоҳи ана шу текшириш манфаатларига бўйсундирилди.

Ҳинд-Европа тилшунослигида қадимдан бери (ҳозир ҳам) сўзни асосий, ҳатто марказий тил бирлиги деб қаровчи нуқтаи назар ҳукмронлиги морфем бирликларнинг (фонетик-фонологик бирлик ва ҳодисалар қатори) сўзни ташкил этувчи моддий қобиқ, иккиламчи материал тасавури билан тадқиқ этиб келинишига сабаб бўлди. Бунда морфеманинг тилдаги ўрни ва роли, унинг мазмун режаси инкор этилади.

Коперник таълимотининг гелиоцентрик тизим назариясида кузатилганидек, сўзни марказий бирлик деб ҳисобловчи таълимотга кўра, сўз тузилиши учун хизмат қиладиган фонем ва морфем бирликлар, сўзнинг яшаши ва мавжудлигини таъминлайдиган сўз ҳамда шакл яшаш моделлари, синтактик қоида ва моделлар ҳам сўз теварагида айланувчи ҳодисалар сифатида талқин этилар эди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, қиёсий-тарихий тилшунослик таъсирида қадимги, ўлик тилларни текширишга мўлжалланган методларнинг ҳозирги жовли тилларга татбиқ этиб келинаётганлиги ҳам морфемиканинг мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқишига сезиларли тўсқинлик қилди.

Асримизнинг 40-йилларидан бошлаб тилга систем-структур ёндашув туфайли бир қанча ўзаро боғланган марказларнинг, жумладан, морфемиканинг ҳам мустақиллиги қатъий эътироф этила борди, унинг бирлиги — морфеманинг ҳақиқий моҳиятини аниқлашга иштироки кучайди. Тилшунослар 70-йилларда морфеманинг «қайта кашф этилгани» ҳақида ёза бошладилар. Худди шу йилларда морфемика мустақил соҳа сифатида тан олинди. Бунда рус олимлари И. А. Бодуэн де Кургенэ, Н. В. Крушевский, Америка олими Л. Блумфилд ишлаб чиққан методика муҳим роль ўйнади; матнни қисмларга ажратиш, таҳлил қилиш юқори сатҳ бирликларидан қуйи сатҳ бирликларини аниқлаш (масалан, гап сўз бирикмаларига, сўз бирикмаси сўзларга, сўзлар морфемаларга, морфемалар фонемаларга ажратилади), айни ҳолда қуйи сатҳ бирликларидан юқори сатҳ бирликларини аниқлаш (фонема — морфема — сўз — сўз бирикмаси — гап — ... характеридagi) қарама-қарши йўналишда олиб борилди: бу тартибдаги таҳлил ҳар

бир тил бирлигининг ўрни ва мавқеини тасвирлаш учун қулай имкониятни юзага келтиради. Натижада сўз ҳам бошқа тил бирликлари қаторидан (ҳукмрон мавқеда эмас, албатта) муносиб ўрин олади. Демак, нафақат сўз, балки фонема, морфема, синтактик бирликлар ҳам ўз сатҳлари доирасида универсал тил бирликлари саналади: уларнинг бирини асосий, марказий, бошқаларини ёрдамчи, иккиламчи бирликлар ҳукмида қараш бир ёқламаликка, тил тизими элементлари муносабатини нотўғри кўрсатишга олиб келади.

Туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида морфемалар бирикувининг Хинд-Европа тилларидаги бирикувга нисбатан эркин ва жонлилиги, онгда ташкил этувчи қисмларга кўп ўринларда бемалол ажрала олиши хусусияти морфеманинг ўрни ва роли бирмунча бошқачароқ аҳамият касб этишини кўрсатади. Шу сабабдан бўлса керак, Америка олимлари (Л. Блумфилд ва унинг тарафдорлари) тилдаги асосий бирлик сифатида морфемани тан оладилар. Ўзбек тилшунослигида ҳам морфемика қамровидаги масалалар алоҳида сўзлар — фақат ўзак ва қўшимчаларга ажраладиган сўзлар доираси билан чегаралаб қўйилди, турланмайдиган ва тусланмайдиган, сўз ҳамда форма ясалиш хусусиятларига эга бўлмаган жуда катта миқдордаги сўзлар учун хизмат қиладиган морфем бирликлар эътибордан четда қолди. Бу масалаларнинг бир қисмигина сўз **состави, сўз таркиби, сўзнинг морфологик тузилиши** тушунчалари билан бирга тор доирада ўрганилди.

«Сўзларнинг морфологик тузилмаси, яъни уларнинг морфемаларга бўлинишини ўрганувчи соҳа морфемика деб аталади» (4,76) тарзидаги таъриф ўзбек тили грамматикасига доир деярли барча дарслик ва қўлланмаларда учрайди. Бундай тушуниш аслида морфемиканинг моҳиятини йўққа чиқаради, бу — анъанавий морфологиянинг сўз таркиби ҳақидаги бўлимини янги ном билан аташдан бошқа нарса эмас. Проф. Ш. У. Раҳматуллаев эса морфемиканинг объектини янада торайтиришга интилади. Унинг фикрича, «лексик маъно англатиб қатнашадиган қисмии морфема деб эмас, балки лексема деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади». . . Сўз форма учун қурилиш материали сифатида лексема билан морфема хизмат қилади (22,17-18). Бундан кўринадики, морфемика ихтиёрида фақат қўшимчалар қолдирилади, ўзак морфемаларнинг мавжудлиги эса инкор этилади.

Маълумки, маъноларнинг, асосан, лексик ҳамда грамматик типларга ажратилиб, диалектикага зид равишда лексик маъно асосий, грамматик маъно кўшимча, устама маъно деб талқин этилади. Ҳолбуки, лексик маъно хусусий маъноларнинг бир кўриниши бўлиб, индивидуал (якка) — номинатив характердир. Грамматик маънолар умумлашган категориал маънолар бўлиб, айни шу маъно — грамматик фон бўлмаса, лексик маънонинг шаклланиши мумкин эмас.

Ҳозирги тилшунослик тил бирликлари ва улар амал қиладиган сатҳлар доирасида турли маъно кўринишлари — морфем маъно, сўз ясалиши маъноси, лексик маъно, фразеологик маъно, сўз туркум (класс)лари маъноси, синтактик маъно каби маъно типларини белгиламоқда. Демак, морфемаларнинг — ўзаклар ва қўшимчалар, уларга вазифадош бирликларнинг ҳам ўзига хос маънолари бўлиб, бу маънолар ҳар бир тилда асрлар оша шаклланган, авлоддан-авлодга ўтувчи, шунга биноан, маълум бир давр кишилари онгида тушунча майдонлари, маъно майдонлари ҳосил қилувчи бирликлардир. Ана шу ҳолатни назарда тутмаслик юқори сатҳ бирликларининг маъно ҳамда вазифасини; тил системасидаги ўрнини белгилаш ишини қийинлаштиради, бир ёқлама, номукаммал хулосалар чиқаришга олиб келади.

Морфемиканинг асосий масаласи унинг бирликларини белгилашдир: сўз таркибида «ўзак ва аффиксдан бошқа тушунча йўқ (50, 31) деб қаралса-да, дастлабки босқичда унинг объект доирасига шундай бирликларни киритиш мумкин: 1) ўзак ва қўшимчалар; 2) қўшимчаларнинг маъно ҳамда вазифа жиҳатидан эквивалентлари (от ва феълдаги кўмакчилар, тўлиқсиз феъллар, қўшимча-юктамалар, сифат ва равишдаги энг, жуда типидagi шакллар, қил, эт, айла, бўл, феъл шакллари); 3) ноль морфемалар; 4) «хамелеон» морфемалар (чойпой, ош-пош, мева-чева типидagi такрорларда иккинчи қисм); 5) ургу, унлининг чўзилиши, ундошнинг иккиланиши каби воситалар орқали морфем материалда маъно фарқининг юзага келиши; 6) такрор шакл (форма) қисмлари (**бора-бора, қип-қизил**); 7) боғлаш, бириктириш, маъно ҳамда вазифани кучайтириш ғоясини ташувчи китоб- (и) -м формасидаги -и-; деярли сўздаги -и-; -га қадар (уйига қадар) формасидаги -га-; кулиб юбор- формасидаги -(и) б- элементлари; қаричилик,

одамгарчилик ясалмаларидаги **-чи-, -гар** типдаги элементлар — субморфлар; 8) қолдиқ материал («қотган» эскирган, истеъмолдан қолган шакллар: **дўнгса сўзи-**даги **-са;** **ўсимлик, бор-гудек** сўзларидаги **-им-, -гу-;** **бомбардимон** сўзидаги **-р-димон** каби элементлар).

Келтирилган бирлик ва ҳодисаларнинг барчаси морфемика сатҳига тегишли маъно ҳамда вазифа (семантик — функционал) майдонида бир хил мавқега эга эмас. Дастлабки уч банд (пункт)да келтирилган формалар: ўзак ва қўшимчалар, аналитик формалар, ноль морфемалар бу соҳанинг марказини, ядросини ташкил қилса, қолган ҳодисалар морфемика билан, унинг ядроси билан турли даражада туташувчи, оралиқ мавқе (периферия)да турувчи ҳодисалардир. Бу ҳодисалар морфемиканинг фонетика ва фонология, синтаксис ва услубшунослик, тил тарихи ҳамда мантиқ билан алоқадорлигини кўрсатиб туради.

Ўзбек тилшунослигида шу кунгача морфемика объектига қўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлувчи формалар — синтетик формалар киритиб келинди. Бунинг тегишли сабаблари бор: аффиксация турли маъноларни ифодалашнинг етакчи усулларида бўлганлиги учун, сўз ҳамда форма ясалиши дейилганда, тадқиқотчи ёки ўргатувчининг онгида биринчи навбатда аффиксал ясалиш гавдаланади. Ҳолбуки, ўзбек тилида грамматик маъно ифодалашда синтетик формалар қатори, аналитик, жуфт ва такрор формалар ҳам ўз ўрни ва салмоғига эга.

Туркийшуносликда Ф. А. Ғаниев, А. А. Юлдошев, Н. Оралбаева, А. П. Ҳожиев каби олимларнинг тадқиқотлари ва хулосаларида ҳам морфемикада «бундай шакллар ҳам ўз ўрнини топиши, уларнинг маъно ҳамда вазифалари илмий ёритилиши зарур» (46, 10) дейилади. Айниқса, отлардаги **-га қадар** (уйга қадар), **-учун** (укам учун), феъллардаги **-(и) б эди** (бориб эди), **-са эди** (борса эди), **-(а)р эди** (борар эди) **-(и)б юбор** (кулиб юбор) типдаги формалар худди қўшма аффикслар каби иш кўради (шунинг учун улардан осонлик билан содда ва қўшма аффикслар ҳосил бўла олади: **бориб эди > борувди; бора ётибди > ... бораяпти: бор-а-япти ...**). Бу хил шаклларда ҳам маъно яхлитланиши (биринчи қисм маъно ўзгаришига учрайди, вазифасини йўқотиб, бириктириш ғоясини ташувчи бирлик — суб-

морфга айланади), бир вазифани бажариш ҳолатлари етакчи белгилардандир.

Табиатан систем-структур ҳодиса бўлган тил ва унинг морфем қурилиши тасвирида синтетик морфем воситалар қатори аналитик морфем воситалар, оралиқ, ёрдамчи воситалар ҳам ўз тегишли ўрнини ва изоҳини топиши керак. Шундагина тил қурилишининг маълум соҳаси ҳақида кўзда тутилган тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Демак, ўзбек тили морфемикасининг мундарижасини қуйидагича белгилаш мумкин: 1) морфеманинг тил бирлиги сифатидаги моҳияти, унинг ёндош ҳодисалардан фарқи; 2) морфемаларнинг турлари, уларнинг маъно, вазифа, тузилиш ва ҳоказо жиҳатлардан таснифи; 3) морфемикада синтагматик ҳамда парадигматик муносабатлар. Морфемаларнинг нутқдаги кўринишлари—морфлар. Морфема ва морф муносабати; 4) морфем маъно ва унинг тиллари. Морфем маъно доирасидаги кўп маънолилиқ, синонимия, антонимия, маъноларнинг қоршиқлиги ва синкретиклиги — морфосемасиология масалалари; 5) морфема ташқи қобилигидаги ўзгаришлар. Морфема ва морфемаларнинг фонетик-фонологик тузилиши. Морфемалар бирикувидаги фонетик ўзгаришлар — морфонология масалалари; 6) морфемаларнинг бирикиш қонуниятлари. Бир валентли ва кўп валентли морфемалар, бундаги норматив ҳамда порматив бўлмаган ҳолатлар. Морфемаларнинг ўринлашиш тартиби. Морфотактика ҳамда морфосинтаксис масалалари; 7) сўз морфем тузилишидаги тарихий ўзгаришлар ва бошқалар.

Демак морфемика кенг қамровли соҳа бўлиб, уни морфосемасиология, морфоморфология, морфофонология, морфосинтаксик каби йўналишларда тадқиқ этиш мумкин (3, 86; 34).

МОРФЕМАЛАР ТАСНИФИ

Ўзбек тилига оид тегишли дарслик ва қўлланмаларда морфема атамаси ва тушунчаси остида дастлаб ўзак ҳамда қўшимчалар берилиб, сўнг уларнинг бошқа хусусиятлари изоҳланади. Бу хил турларга ажратиш анъанавий тилшунослиқнинг «сўздан морфемага қараб» деган принципинга мос келади. Бунда морфеманинг мавжудлиги «тил системасида морфема» деган принципга

эмас, балки «сўз таркибида морфема» деган принципга таянади. Юқорида айтилганидек, агглютинатив-аналитик ва ўзакли тиллар тадқиқи америка тасвирий (дескриптив) тилшунослигида сўз тушунчасининг сиқиб чиқарилиши ҳамда морфеманинг асосий бирлик сифатида тан олинишига олиб келди.

Шу ўринда нутқ оқимини фонетик ҳамда семасиологик-морфологик жиҳатдан фарқлаш учун И. А. Бодуэн де Куртенэнинг сўз ва морфема тушунчасидан турли ўринларда фойдаланганини эслаш жоиздир. У сўз тушунчасидан нутқ оқимини фонетик, морфема тушунчасидан эса семасиологик-грамматик чегаралаш мақсадида фойдаланган (6, 255-256). Лекин унинг бу фикрлари узоқ вақтгача тил морфем қурилиши изоҳига татбиқ этилмай келди, грамматик концепцияларнинг таянч нуқтаси сифатида алоҳида бирлик — лексема ва сўз форма олинди ва у тил механизмининг марказий бирлиги деган сохта тасаввур тобора қатъийлашиб борди.

Тил сатҳлари ва уларга хос бирликларнинг моҳиятини аниқлашга интилиш, айниқса, агглютинатив-аналитик тилларда морфеманинг табиатига бошқача ёндашиш заруратини кун тартибига тобора кескин қўймоқда. Морфеманинг тил эгалари онгида анча эркин гавдаланиши, турли ҳолатларда бемалол қўллана олиш хусусияти, нафақат сўз (туб сўз, ясама сўз, кўп морфемали сўз), балки юқори сатҳ бирликлари — синтактик бирликлар учун ҳам ташкил этувчилик вазифасида кела олиш қобилияти бу тилларда морфем комбинаториканинг имкониятлари анча кенглигидан далолат беради. Туркий тиллар грамматик қурилишига флектив тиллар андозаларининг татбиқ этиб келинаётганлиги ана шу имконият кўламин ва доирасини тўлиқ очиб беришга тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳолат нафақат туркий тиллар, ҳатто аналитик белгилари нисбатан кўпроқ бўлган айрим Ҳинд-Европа тиллари тасвирида ҳам кузатишмоқда. Жумладан, тил тараққиётининг кейинги даврларида агглютинатив-аналитик белгилари кучайган инглиз тили тадқиқида ёрқин синтетик тиллар — қадимги грек ва латин тиллари асосида шаклланган европа тилшунослик анъаналари мустаҳкам сақланиб турибди. Натижада тил назарияси билан далиллар ўртасидаги қарама-қаршилик — антиномия ҳам ортисини бормоқда. Бу эса грамматик тасвир тартиби ва усулларига туб ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда (18, 34).

Ўзбек тилшунослигида ҳам морфеманинг мавжудлиги фақат икки ва кўп морфемали сўзлар, сўз формалар билан боғлиқ деган ақиданинг кенг тарқалганлиги, унинг ўрта ва олий мактаб ҳаётидан мустаҳкам ўрин олганлиги морфемика масалаларини тор, биқик доирада ўрганишга олиб келди. Бу нарса морфемаларнинг асосий турларидан бири — ўзак морфема изоҳида ҳам кўринади. Аввало шуни қайд қилиш зарурки, берилган таъриф ва қондалар Ҳинд-Европа тилшунослигида турли даврларда ўзакка берилган таърифларга мос келади. Ўзак ҳақидаги фикрлар тарихини таҳлил қилиш натижасида проф. С. Усмонов шундай хулосага келади: «ўзак сўзининг аффиксларни ажратгандан сўнг қоладиган, ҳозирги туб лексик маънони ёки лексик маъно асосида ётган умумий тушунчани ифодалайдиган энг кичик қисмидир. У аффикси мавжуд бўлган сўзлардагина ажратилади» (28, 132).

Проф. Ш. У. Раҳматуллаев ҳам қиёсий-тарихий тилшуносликда ўзакни белгилашдаги бир принцип — сўз ясалиши асосидаги муносабатга кўра ёндошиб, қуйидагиларни ёзади: «Таркибга ажралувчи ҳар қандай сўзда ўзак морфема бор деб қараш ҳам мавжуд. Тилшуносликда ўзак деб бири иккинчисидан чиққан (ясалган) сўзларнинг умумий туб қисмини аташ қабул қилинган. Демак, ўзак ҳақида гапириш учун бундай қисмга сўз ясовчи аффикс қўшилган бўлиши керак (туб бўлиш ва лексик маъно англатиш белгиларининг ўзи етарли эмас)» (21, 38). Юқоридаги изоҳлардан кўринадики, проф. С. Усмонов ҳар қандай кўп морфемали сўз таркибидан ўзакни ажратиш имконияти мавжудлигини эътироф этса, проф. Ш. У. Раҳматуллаев фақат аффиксация усули билан ҳосил бўлган ясама сўзлардагина ўзакни белгилаш мумкинлигини тан олиб, ўзакнинг иш кўриш ва қўлланиш доирасини янада торайтиради. Ҳатто бир муаллиф фикрларида юқоридаги ҳар иккала изоҳнинг (албатта, Ҳинд-Европа тилшунослиги анъаналари таъсирида) акс этганлигини кузатиш мумкин. Проф. А. Ғ. Фуломов 1957 йилда нашр этилган «Ҳозирги замон ўзбек тили» китобининг «Морфологияга кириш» бўлими (287-289 бет)да бир ўринда «ўзак бир неча морфемали сўзлардагина мавжуддир»,— деб ёзса, иккинчи ўринда «ўзак... қариндош сўзларнинг умумий қисмидир. Қариндош сўзлар — бир ўзакдан урчиб чиқ-

қан, бир-биридан ясалган сўзлар», — деб кўрсатади. Шу билан бирга, олим ўзакнинг нисбий мустақиллиги, омонимлик ва полисемантиклик хусусияти, от ўзакларнинг бош келишида келиши, феъл ўзақларнинг II шахс буйруқ шаклида қўлланиши (тўғри, бу ўринда ўзакнегиз атамаси ишлатилган) каби ҳолатларни ҳам қайд этади. Худди шу муаллиф кейинги йилларда яратган ишларидан бирида **сув** ва **сувчи** сўзларини солиштириб, иккинчи сўзда **сув** ва **-чи** элементлари ўзаро алоқадор эканлиги, биринчи қисм (**сув**) иккинчи қисм (**-чи**) учун ўзак эканлиги ҳақида ёзиб, **сув**, **сигир**, **тунука** каби сўзларда бундай нисбат қилинадиган қисмлар йўқлигини, буларга шартли равишда «ўзак сўзлар» атамаси қўлланилишини таъкидлайди (42, 67).

Демак, юқоридаги хулосаларга кўра, ўзак фақат кўп морфемали ва ясама сўз (аффиксация усули билан ясалган сўз) лардагина мавжуд, шунингдек, у нисбий мустақиллик ва омонимлик, кўп маънолилик хусусиятига ҳам эга. Бу жиҳатдан ўрта мактаб дарсликлари ҳам характерлидир. О. Усмон ва Б. Авизовнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (I қисм, Тошкент, 1941, 43—44-бет) морфемаларга оид маълумотларни «Сўз состави» сарлавҳаси остида бериб, «Ўзак ва аффикс» бўлимида ўзакка қуйидагича таъриф беради: «**Сўзнинг туб маъно англатган қисми ўзак дейилади**». Сўнг ишчи, ишчан, ишда, ишга, ишлар, ишчилармиз каби сўзларнинг ҳаммасида ҳам **иш** сўзи туб маъно англатиши, туб маъно англатган ҳолда мустақил қўлланилиши (**иш тамом бўлди, мен кеча кўп иш қилдим**) қайд этилган ва «шунинг учун ҳам **иш** сўзи бу сўзларнинг ўзаги ҳисобланади». — деб хулоса чиқарилган. Берилган изоҳлардан кўринадики, ўзак кўп морфемали сўзлар таркибида яшайди, шунингдек, мустақил ҳолда ишлатилиши ҳам мумкин.

М. Асқарова ва К. Қосимова томонидан тайёрланган «Ўзбек тили дарслиги» (I қисм, IV синф, тўртинчи нашри, Тошкент, 1976, 107—108-бетлар) да ўзак морфемани белгилашга сўз ясалиши нуқтаи назаридан ёндашилган ва ўзакдош сўзларга **боғбон**, **боғча**, **боғдор**, **боғбонлик**; **чизғич**, **чизиқ**, **чизиқча**, **чизиқли** каби мисоллар келтирилган. Лекин ўзакнинг моҳиятига ёндашув мисоллар таҳлилига келганда ўзгарган. Юқорида келтирилган ўзакдош сўзлар қаторига **боғча**, **чизиқча** — форма ҳосил қилувчи қўшимчалар ёрдамида ясалган сўзлар ҳам киритилган.

306- машқ шартда эса «сўз бирикмаларидаги сўзларнинг ўзак ёки негизини аниқланг, аввал сўз ўзгартувчи қўшимча ўзакка, кейин негизга қўшилган сўзларни қўчирилинг» тарзида вазифа қўйилиб, қўйидагича намуна берилган:

Мақтабнинг — мактаб ўзак; ишчилари — иш ўзак.

Машқ шарт ва намунадан кўриниб тургандек, ўзак ўзакдош сўзлар доирасидагина эмас, балки умуман қўшимча қўшилган ҳолатларда ҳам белгиланиши мумкин. Бу эса дарслик муаллифларининг ўз ғояларида охиригача изчил эмасликларидан далолат беради.

А. Ғуломов, И. Абдуллаев, З. Маъруфов, М. Омилхонованинг «Ўзбек тили дарслиги» (5- ва 6- синфлар учун, 4- нашри, Тошкент, 1976, 45- бет) 4- синф дарслигида берилган таърифни бир оз чуқурлаштиради («Ўзак — ўзакдош сўзларнинг умумий қисмидир» таъкиди илова қилинган). Бу дарсликда ўзакнинг таърифига мисоллар таҳлилида риоя қилинган бўлса ҳам ушбу дарслик учун ёзилган методик қўлланма (М. Омилхонова, И. Абдуллаев, Р. Абдулаҳатова, Р. Иноғомова, А. Орифжонов. 5- ва 6- синфларда она тили дарсликлари. Тошкент, 1978)даги тавсияларда таъриф доирасидан четга чиқилади. Дастлаб ўзак, ўзакдош сўзлар ҳақида сўз ясовчи қўшимчалар иштирок этган сўзлар мисолида ўқувчиларнинг билимларини синаб кўриш тавсия этилади. Сўнг ёддан ёзув учун берилган шеърини парча ва хатда қатнашган мустақил сўзларнинг ўзакларини аниқлаш талаб этилади. Бу ҳар қандай кўп морфемали мустақил сўзда ўзакни белгилаш мумкин, деган фикрни билдиради. Ваҳоланки, мустақил сўзлар таркибида қўшимчаларнинг ҳар учала тури ҳам қатнаша олади, сўз ясалиши эса ҳамма мустақил сўзлар туркуми учун хос эмас.

О. Қосимхўжаеванинг қайд этишича, «Ўзак сўз таркибидаги бошқа морфемаларга нисбатангина мавжуд бўла олади ва у кўмакчи морфемалардан ажралган ҳолда ўзак бўла олмайди деб қараш, албатта, хатодир. Ўзак сўз таркибида бошқа морфемаларга нисбатан ҳам ва ёлғиз турган ҳолда ҳам мавжуд бўла олади» (40, 10).

Маълумки, сўз туркумларининг дастлабки таснифи босқичига онд бўлиниш ҳаракатчан морфем таркибга эга бўлиш ва шундай хусусиятга эга бўлмаслик шаклан ўзгарадиган (турланадиган ва тусланадиган) ҳамда

шаклан ўзгармайдиган (турланмайдиган ва тусланмайдиган) сўзлар гуруҳларини белгилашга олиб келади. Ҳаракатчан морфем таркибга эга бўлган сўз гуруҳлари сўз туркумлари таснифида иккинчи босқични ташкил этади (33, 21). Ўзакнинг қўшимчаларсиз, якка, ҳаракатчан морфем таркибга эга бўлмаган ҳолда ўзак санолиши мумкинлиги ҳақида шуни айтиш зарурки, ўзбек тилида сўз тартиби ва оҳанг орқали бирикишининг анчагина ўринларда кузатилиши ўзак морфема, туб сўз, асос (негиз)нинг ўзаро ташқи томонидан тенг келиб қолиши (шартли равишда — омонимия) ҳодисасини келтириб чиқаради. Бу ўзакли тилларга хос белгилардан биридир. Бунда ўзак морфема сўз бўлиб қўлланмайди, балки сўз (туб) ҳамда асос (негиз) маълум бир ўзак ёрдамида ифодаланади, ўз маъно ва вазифасига эга бўлади. Иккинчи томондан эса, сўз ҳамда форма ясаш парадигмалари ихтиёрига тушадиган ўзак морфемалар маълум қолип (модел)ларда ташқи томондан содда, мураккаблашмаган ҳолда кўринса-да, аслида кўп морфемалилик, ҳаракатчан морфем таркибига эга бўлиш хусусиятини кўрсатади: жумладан, **китоб ўқилди** гапидаги **китоб** сўзи уч морфемадан—ўзак ва икки ноль морфемадан ташкил топган: ўзак — (бирлик сон кўрсаткичи) — (бош келишик кўрсаткичи) (20, 28).

Демак, бирор парадигма аъзоси бўлган ноль морфемали сўзлар кўп морфемали сўзлар сирасига киради. Бунда ўзак гўё якка ҳолда қўлланаётгандек туюлади. Шаклан ўзгармайдиган, турланиш ва тусланиш хусусиятига эга бўлмаган, шу туфайли ноль морфемаларни ололмайдиган туб сифат, сон, олмош, равиш типидagi сўзлар нутқ жараёнида ўзак билан ташқи томондан тенг келиб қолади, чунки юқори сатҳ (морфология) учун ўзак ҳам моддий, ҳам маъно жиҳатидан асос бўлиб хизмат қилади. Бундан англашиладикки, ўзакнинг мавжудлиги учун ҳаракатчан морфем таркибининг бўлиши зарур. Акс ҳолда, ўзакнинг якка ҳолда ишлатила олиш хусусияти (турланмайдиган ва тусланмайдиган сўзларда, шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда) ўзак-сўзнинг худди фақат «илдиз, томир ёки тана» (солиштиринг: лотинча радикс — «илдиз», русча таржимаси — «корень», ўзбекча таржимаси — «ўзак») дан иборат шох-шаббасиз дарахт тасаввурини бериши мумкин. Ана шу тасаввурга муносабат билдириш мақсадида бўлса керак, бир гуруҳ олимлар (Н. А. Баскаков, А. Ғ. Ғулумов, А. М. Шчер-

бақ, Ф. Г. Исҳоқов) ўзакнинг якка ҳолда ҳам бирор лексик-грамматик категорияга тааллуқлилиги, муайян грамматик маъно (от ўзакларда бирлик сон, олмош келишик; феъл ўзакларда II шахс бирликнинг буйруқ шакли каби) билдиришини кўрсатадилар. Лекин бу ўринда ана шу ўзакларнинг бирор парадигма аъзоси сифатидаги морфема эмас, сўз сифатидаги мақоми ҳақида гапириш ўринли бўлади. Бу сўзлар муайян парадигманинг нутқ жараёнида энг аввал қалқиб чиқувчи вақиллари деб изоҳланиши мумкин.

Маълумки, илмий адабиётларда ўзаклар лексик ҳамда грамматик ўзаклар каби икки турга ажратилмоқда. Лексик ўзаклар лексик ёки луғавий маъно англатадиган морфемалар бўлса, грамматик ўзаклар лексикага эмас, балки грамматикага йўналган морфемалар бўлиб, ёрдамчи сўзлар ва лексик маъно билдирмайдиган тил бирликларидир (кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов, модал, тақлид сўзлар; олмошлар, айрим истиснолар билан сон сўзлар, атоқли отларнинг айрим турлари). Бу хил морфемалар умумий тилшуносликда сўз—морфемалар (Н. С. Трубецкой) атамаси билан юритилади.

Ўзак морфеманинг юқоридаги талқини ўзакнинг анъанавий талқинидан тамомила фарқ қилади. Анъанавий талқинга кўра, ўзак кўп морфемали ҳамда ясама сўз учун тана, таянч вазифасини бажариши керак, олдин ёки кейин қўшиладиган қўшимчаларни ушлаб, қувватлаб туриши зарур, қўшма, жуфт ва такрор сўзларда янги маънога ўз улуши ва ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Ўзакларнинг лексик ҳамда грамматик турларга ажратилишида бу талабларнинг бўлиши қатъий эмас. Ўзак кўп морфемали қаторда ҳам, якка ҳолда ҳам ўзак саналаверади (О. Қосимхўжаеванинг юқорида келтирилган таъкидини эсланг).

Проф. Н. А. Баскаков туркий тиллардаги ўзак бошқа тиллардаги, хусусан, рус тилидаги сўз ўзакларидан тубдан фарқ қилишини махсус таъкидлаб, туркий ўзак сўз бирикмаси ва гап таркибида мустақил сўз сифатида амал қилиши, лексик маъно англатиш билан бирга, бирор лексик-грамматик категорияга тааллуқлилигини, муносабат билдирувчи маълум грамматик шаклга эга бўлишини кўрсатади.

Ўзак бўлинмас, монолит қисм бўлиб, сўзнинг моддий, реал маъносини ўзида мужассамлаштиради. Шу талқин асосида ўзакларнинг сўз туркумларига мос келувчи ўн

бир типни белгиланади: 1) от ўзаклар; 2) сифат ўзаклар; 3) равиш ўзаклар; 4) сон ўзаклар; 5) феъл ўзаклар; 6) олмош ўзаклар; 7) ундов; 8) мимемалар; 9) юклама; 10) кўмакчи; 11) боғловчи ўзаклар (3, 113).

Ўзакнинг кенг доирадаги талқини шунга олиб келадикки, ўзак сўз учунгина эмас, балки сўздан йирик бирликлар — синтактик бирликлар учун, умуман тил тўқимаси учун маъно ва моддий жиҳатдан материал вазифасини бажаради.

Фикримизча, ўзак тушунчаси икки ва кўп морфемали сўзлар, ноль морфемали сўзлар учун хошлангани зарур. Бу, айниқса, методик жиҳатдан қулайлиқларга эга, чунки ҳар қандай алоҳида сўздан, маъноли қисмларга бўлинмайдиган, сўз ўзгариш шаклларига эга бўлмаган, хусусан, луғавий маъно англамайдиган сўзлардан ўзак ахтариш ёки уларни ўзак деб ҳисоблашда мантиқий изчиллик йўқ. Бошқа томондан, ёрдамчи сўзларнинг асосий қисми (кўмакчи, боғловчи, юклама, кўмакчи феъллар, тўлиқсиз феъллар, энг, жуда типидagi сўзлар ва б.) вазифаси жиҳатидан қўшимча (аффикс) ларга ўхшайди, турли нутқий бирликларда грамматик алоқа, муносабат, қўшимча маъно орттириши грамматик ўзакларнинг (номи ҳам бунга ишора) тил қурилишидаги мавқеидан далолат бериб турибди. Демак, ўзаклар шартли равишда лексик ҳамда грамматик ўзакларга ажратилади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, сўз ҳамда форма яшаш моделларининг ҳам моддий (материал), ҳам маъно жиҳатидан тўлдирилишини морфемаларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу жараёндаги иштирокига кўра, ўзак морфемани **бош морфема**, **асосий морфема**, **етакчи морфема**, **луғавий морфема**, **лексик морфема** каби номлар билан аташ ҳам кузатилади. Ўзак атамаси талқинидаги турли ноаниқликлар, афтидан, морфемалар таснифининг янги бўлинишини яратди. Энди улар **тўлиқ маъноли** (полнозначные) ҳамда **ёрдамчи** (служебные) атамалари ёрдамида ўзаро қарама-қарши қўйилмоқда. Тўлиқ маъноли морфемаларга номлаш (номинация) эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган, предмет, белги, ҳаракат каби лексик-грамматик хусусиятларга эга бўлган морфемалар киритилса, иккинчи тур морфемалар — қўшимча (аффикс) лар ва уларга вазифадош бирликларни қамрайди (26, 5).

Демак, бундай бўлинишга ҳам маъно, ҳам вазифа

(функция) асос бўлган. Лекин шунини таъкидлаш зарурки, бундай тасниф мантиқан қаралганда талабга жавоб бермайди. Унда бир ўринда маъно (семантика) ҳисобга олинса, иккинчи ўринда вазифа ҳисобга олинади: биринчи ўлчов семасиологияга, иккинчи ўлчов синтактик сатҳга оиддир. Шу сабабдан бундай тасниф ўзаро изчил қарама-қаршилик ҳосил қилмайди. Бунинг устига, тўлиқ маънолилик сўзнинг ёрдамчи вазифада қўлланишига тўсқинлик қила олмайди. (Солиштиринг: *хона сўзи ошхона, босмахона, сартарошхона* каби ясалмаларда ёрдамчи морфема — қўшимча вазифасини бажаради.)

Ўз навбатида, тўлиқ маъноли морфемаларнинг тил тизимидаги ўрни ва нутқ тузишидаги роли масалалари тилшуносликда **лексик морфологиянинг** юзага чиқишига олиб келади. Бу сўз тузилишига хос турли белгиларни морфем жиҳатдан асословчи (морфем мотивлаш нуқтаи назаридан) морфологиянинг бир бўлиmidир. Унда «нима нимадан ҳосил бўлган?» деган саволга эмас, балки маъноли қисмларга бўлинувчи сўз маъноси уни ташкили этувчи аниқ морфем бирликлар орқали қандай мотивланади, деган саволга жавоб берилади (29, 30—31).

Ўзбек тилшунослигида ҳам **тилнинг луғат таркиби** ҳамда **тилнинг луғавий морфемалар таркиби** ўзаро фарқланувчи, турли моҳиятга эга бўлган ҳодисалар сифатида ўрганилиши зарурлиги яқиндагина кун тартибига қўйилди: агар биринчи таркибнинг бирлиги сўз бўлса, иккинчи таркибнинг бирлиги луғавий морфемадир; «луғавий морфемалар синхроник тушунча бўлиб, диахроник тилшунослик бирлиги — «ўзак» тушунчасидан анча фарқ қилади» (5). Шу билан бирга, энг муҳими — «луғавий морфемаларнинг табиати ва моҳияти ўзбек тили лексикологияси доирасида эмас, балки морфемалар, уларнинг турлари ва таснифи ҳақидаги таълимот бўлган **морфемикада** очилиши ва берилиши лозим» (5, 37). Лекин шунини ҳисобга олиш керакки, луғавий бирлик луғатшунослик (лексикология) фанининг объекти саналади. Шу сабабдан, луғавий (лексик) морфема атамаси ҳодисанинг моҳиятини тўла ақс эттиролмайди. Атаманинг **луғавий** ... элементи уни кўпроқ лексикологияга тартиб туради. Агар алоҳида туб сўзлар — луғавий бирликларни шартли равишда луғавий морфемалар номи билан юритадиган бўлсак,

бу морфемаларга боғланган, шуларсиз яшай олмайди-
ган ёрдамчи морфемаларни — қўшимчалар ва уларга ва-
зифадош бирликларни қандай ном билан атаган маъ-
қул? деган савол келиб чиқади. Албатта, уларни
грамматик морфемалар деб аташ мумкин. Бироқ бунда
қўшимчаларнинг бир тури — форма ҳосил қилувчилар
(кенг маънода) назарда тutilади. Луғавий бирлик яра-
тиш учун хизмат қиладиган қўшимчалар — сўз ясов-
чилар эса тасниф доирасидан четда қолади, луғавий
морфемалар таркибига қоришиб кетади.

Бу ўринда шуни ҳисобга олиш зарурки, морфемани-
нинг асосий белгилари шу сатҳга хос бирликларнинг
ўзаро муносабати, бир-бирини тақозо этувчи, шарт-
ланган алоқалар фониди олингандагина тўлароқ очи-
лади. Чунки морфемаларга хос имкониятнинг юзага
чиқиши жараёнини кузатиш учун уларни ҳаракатда,
нутқ таркибиди олиб қараш зарур. Акс ҳолда морфема-
ка-шакллар, морфемаларнинг қуруқ, жонсиз тўплами
бўлиб қолаверади.

Морфемаларнинг тил тизимидидаги ўрни, вазифасига
кўра **ёрдамчи** ҳамда **ёрдамчи бўлмаган** турларга ажра-
тилиши «морфема сўзнинг қисми» деган принципни ҳам
ўз ичига олувчи-морфема тил бирлиги», «тил система-
сиди морфема» деган принципга асосланади.

Ёрдамчи бўлмаган морфемалар лексик морфема, луғавий морфема, бош морфема, асосий морфема, бош даражали морфема, етакчи морфема, ўзак морфема каби номлар билан аталувчи морфем бирликлардир. Лексик морфема, луғавий морфема атамалари бу бир-ликларни лексик (луғавий) маъно билдирувчи лексема-лар қаторига қўшиб қўяди. Бош морфема, асосий мор-фема, етакчи морфема, ўзак морфема атамалари бу бирликларнинг фақат бир ўриндаги — икки ва ундан кўп морфемали сўзлардаги мавқеини кўради. **Ёрдамчи бўлмаган** ҳамда **бош даражали морфема** атамаси бу бирликларнинг мавқеини, функционал хусусиятини ўзи-да акс эттирса-да, улар морфем бойлик (инвентар)ни тил бирликларининг вазифасига кўра гуруҳларга ажра-тишни тақозо этади. Маълумки, сўзлар морфологияда **мустақил сўзлар** ҳамда **ёрдамчи сўзларга** бўлинади. Аслида шу ўринда сўз атамаси ўрнида **морфема** атамасини қўллаш шакл яшаш (морфология) моҳиятига мос келади. Шунга биноан, нисбий автономликка эга бўлган, ўзи якка ҳолда ҳам нутқда сўз мақомини оладиган, кўп

морфли сўз таркибида ўзак бўлиб келадиган бирликларни «ёрдамчи бўлмаган морфема» деб аташдан кўра «мустақил морфема» деб номлаш қулай ва ҳодисанинг моҳиятига мос келади. Мустақил морфемалар лексик маънонинг шаклланишида фаол қатнашадиган, бирор тушунча майдонлари билан боғланган, сўз туркумлари бўлинишида мустақил сўзларга, асосан, мувофиқ келадиган морфемалардир.

Демак, мустақил морфемалар туб сўз шаклидаги ҳамда икки ва кўп морфемали сўзларда белгиланувчи ўзак морфемалар бўлиб, тилнинг номинация (аташ, номлаш) ва предикация (ҳукм ифодалаш) жараёнларида ҳам маъно, ҳам шакл жиҳатидан таянч восита ролини бажарувчи, юқори сатҳ бирликлари мазмуни ва вазифасини шакллантирувчи материаллик белгисига эга бўлган бирликлардир. Мустақил морфемалар ва шулар асосида шаклланадиган лексик бирликлар «грамматик қурилмиш тўқимасига сингиб кетган. Ўз таърифи таркибига «лексик қисмни» қўшишни талаб қилмайдиган деярли бирорта ҳам грамматик қоида йўқ (31, 11). Бу «лексик қисмлар» морфем-грамматик парадигматикада цементловчи муайян асос сифатида хизмат қилади (37, 5).

Ёрдамчи морфемалар қўшимчалар ҳамда уларга вазифадош (функциядош) бирликларни ўз ичига олади.

Қўшимчалар туб асос, қўшма сўз, ҳатто сўз бирикмаларига қўшилиб, турли маънолар ҳосил қиладиган, эркин қўллана олмайдиган морфемалардир (солиштиринг: туб асос+қўшимча: ақл+ли=ақлли: қўшма сўз асос бўлиб келади: **Урта Осиё+лик=Уртаосиёлик**; сўз бирикмаси асос бўлади; **беш йил+лик=беш йиллик...**

Қўшимчалар маъно ва вазифасига кўра сўз ясовчилар (янги луғавий бирликлар ҳосил қилувчи), форма ҳосил қилувчилар (бир лексик бирликнинг турли шакллари ҳосил қилувчи), сўз ўзгартувчилар (синтактик алоқа, синтактик муносабат ифода қилувчилар)га бўлинади.

Қўшимчаларга вазифадош бирликлар сирасига от ва феъл кўмакчилар (**билан, учун, сари, сайин**: от кўмакчилар; **кулиб юбор-, айтиб қўй-** бирикмасидаги **юбор-, қўй-** шакллари), тўлиқсиз феъллар (**эди, экан, эмиш**), модал феъллар, **-қил-, -эт-, -айла-, -бўл-** элементлари, сифат ва равишдаги **энг, жуда** типдаги формалар, аффикс юктамалар (**-ми, -ку, -чи, -а...**), урғу, оханг ва то-

вуш ўзгаришлари орқали морфема маъносида фарқнинг юзага келиши, аффиксонидлар, морфемасимон (субморф) бирликлар, асемантик элементлар киради (буларнинг ҳар бири бўйича қуйроқда маълумот берилади).

Маълумки, морфемаларнинг тил бирлиги сифатидаги белгилари орасида юқори сатҳ бирликлари учун материал бўлиш хусусияти нутқий бирикувларда — синтагматикада ёрдамчи ва мустақил морфемаларнинг фарқини кўрсатишда яққол билинади: ёрдамчи морфемалар учун юқори поғона сўз (сўз форма) ҳисобланса, мустақил морфемалар ҳам сўз, ҳам сўздан йирик синтактик бирликларга нисбатан уларни ташкил этувчи вазифасида кела олади. Демак, ёрдамчи морфемалар морфологик сатҳ доирасида қолса, мустақил морфемалар кейинги сатҳ — синтактик сатҳ доирасида ҳам тегишли вазифаларга эга бўлади.

Мустақил морфемалар борлиқда тўғридан-тўғри референтларга эга бўлмаса-да, бирор даражадаги боғлиликни, моддий-реал маъноларни англатади. Лекин у лексик ёки луғавий маъно характерида бўлмайди. Чунки лексик маъно борлиқдаги предмет, белги, ҳаракат каби умумкатегориал маъно доирасида яқка—номинатив бирлик сифатида гавдаланса, морфемаларнинг маъноси бирор тушунча ёки тушунча майдони билан потенциал боғланувчи ассоциатив-руҳий маъно характеридадир. Ўз навбатида; мустақил морфемаларнинг асосий қисми лексик—номинатив маънонинг шаклланишида референция талаби билан қатнашади. Умумкатегориал маъно — морфем маъно лексик маънонинг ҳосил бўлиши, ажралиб чиқиши учун асос бўлади. Шуниси **характерлики, луғавий-номинатив бирликда доимий қисм сифатида морфем-грамматик маъно қатнашади, луғавий маъно эса қўшимча, факультатив маъно тарзида намоён бўлади** [қиёсланг: **карнайгул** сўзи айтилганда онгда дастлаб унинг предмет эканлиги, сўнг эса луғавий маъноси — ўсимликнинг бир тури эканлиги гавдаланади]. Бошқача айтганда, ҳар бир сўзда грамматик маъно албатта қатнашади.

Бироқ мустақил морфемаларнинг барчаси ҳам борлиқ билан бевосита референция асосида боғланавермайди. Айниқса, атоқли отлар, сон, айниқса олмошлар бирор нарсани атамай уни кўрсатиш вазифасидагина қўлланади. Шу жиҳатига кўра улар ёрдамчи морфема-

ларга ўхшайди. Лекин луғавий маъно англатмайдиган бу тил бирликлари, бошқа томондан, мустақил морфемалар майдонининг чеккасида турувчи ҳодисаларга киради.

Кўринадики, мустақил морфемалар онда гавдаланувчи моддий маъноларни билдирса, ана шундай маъноларни билдириш қобилиятининг йўқлиги морфеманинг ёрдамчи морфема эканлигидан далолат беради.

Ёрдамчи ҳамда мустақил атамалари таққосланганда, мустақил формалар гўё қотиб қолган, ҳаракатсиз морфемалар тўплами тасаввурини бериши мумкин. Лекин сўз қурилишида мустақил морфемалар бош қисм — асосий қисм, ёрдамчи морфемалар эса унга ва ўзига хос имкониятларни юзага чиқарувчи, амалга оширувчи кўмакчи, ёрдамчи қисм мақомига эга. Уларнинг ўзаро қўшилишидан тил морфем қурилишига хос турли хусусиятларнинг намоён бўлиш тарзи кузатилади.

Демак, тил морфем таркиби бирликларини энг аввало мустақил ҳамда ёрдамчи турларга ажратиб морфемаларнинг умумфункционал жиҳатларини очишга кўмаклашади. Мустақил морфемалар ўзак морфемалар, туб сўз характеридаги бирликлардан, ёрдамчи морфемалар эса қўшимчалар ва уларга вазифа жиҳатидан тенг келадиган бирликлардан иборат. Вазифасига кўра сўзнинг қисми сифатида қатнашмайдиган, лекин моҳияти жиҳатидан ёрдамчи морфемаларга ўхшаш бирликлар (боғловчилар, сўз-юктамалар, модал сўзлар, шунингдек ундов ва тақлид сўзлар; атоқли отлар, олмошлар) оралиқ тип кўринишидадир. Чунки улар маъно жиҳатидан қўшимчаларга ўхшамасалар-да, вазифа ва мавқе жиҳатидан бирмунча фарқли белгиларга эга. Умуман олганда, бу бирликлар ҳам ёрдамчи морфемалар майдонининг чекка қутбиде турувчи бирликлар характеридадир.

Шу кунгача тилшўносликда тил ҳодисалари таснифида тил далилларини, сўзсиз у тараф ёки бу тарафга тўлалигича ўтказиш принципи амал қилди. Лекин тегишли мисолларни ана шу принцип бўйича жойлаштириш жуда кўп ҳолларда сунъийликка олиб келди. Чунки тилнинг ҳаёти чизма ва таснифларга қараганда жуда бой ва ниҳоятда кўп қирралидир. Тасниф эса фақат энг умумий ва кўзга яққол ташланиб турган белгиларнигина қамраб олиши мумкин. Хусусан, мор-

Фемаларнинг мустақил ҳамда ёрдамчи типларини белгилаш тил морфем бойлигини тўла қамрай олмаса-да, морфемаларни анъанавий ажратиш — ўзак ва қўшимчаларни белгилашга доир усулни такомиллаштиради, уни тўлдиради, морфем тасниф қамровини нисбатан анча кенгайтиради, морфем бирликлар ҳаётини кенгроқ майдон — панорамада кузатиш имконини беради. Муҳими, тилнинг алоқа қуроли, билиш ва тажриба тўплаш воситаси эканлигини чуқурроқ англашимизга кўмаклашади.

ЕРДАМЧИ МОРФЕМАЛАР ТАСНИФИ

1. Қўшимчалар ва уларнинг таснифи

Қўшимчалар ўзи якка ҳолда қўлланмайдиган, сўз ясаш ёки форма ясаш асоси билан бирикиб, турли маънолар (сўз ясалиш маъноси, грамматик маъно)ни ҳосил қиладиган ёрдамчи морфемалардир. Улар ана шу маъқеиға кўра, **кўмакчи морфема**, **эргаш морфема**, **аффикс морфема** (аффикс — лат. «бириктирилган») тарзида номланиб келинмоқда.

Ўзбек тилшунослигининг 20-йиллардаги савиясига мувофиқ аффиксал морфемалар «**белгилар**» деб аталган ва уч гуруҳга ажратиб ўрганилган: 1) айирув белгилари: **-да, -га, билан, учун; бе-, -сиз, -ма, -ми?, -ай, -дош ва б.**; 2) турлов белгилари: **-ди, -иб, -гач, -ғали, -гай, -инг, -роқ ва б.**; 3) ясов белгилари: **-ла, -мак, -м, -агон, -тир, -ма ва б.** (45, 17—18).

Юқоридаги таснифда қўшимча билан юклама ва кўмакчилар, афтидан, умумий вазифаси асосида бир гуруҳга киритилган. Турловчи (форма ясовчи) ҳамда сўз ясовчилар ўзаро фарқланмаган (бу ҳодисалар моҳияти назарда тутилмаган).

50-йилларгача қўшимчалар икки турга — сўз ясовчилар ва сўз ўзгартирувчиларга ажратилган. Жумладан, О. Усмон, Б. Авизовнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (Тошкент, 1941, 46—47-бет) китобида қўшимчалар суффикслар номи билан юритилиб, **ясовчи суффикслар**, **турловчи суффикслар** деб иккига ажратилган ва уларга қуйидагича таърифлар берилган. 1. **Ўзакка қўшилиб, янги сўз ясайдиган ёки ўзакка қўшимча маъно берадиган суффикслар ясовчи суффикс дейилади.** Қонданинг исботи учун пахтачи (пахта+чи), пахтачилик (пахта+чи+лик), шаҳарча, дафтарча (шаҳар+ча, дафтар+ча) мисоллари келтирилиб, **-чи, -чи+лик** суффикслари янги

маъно, **-ча** суффикси эса қўшимча маъно орттириши таъкидланган, сўнг «**Ясовчи суффиксли ўзаклар ясама ўзак дейилади**» қондаси илова қилинган.

Сўзларнинг бир-бирлари билан боғланишини, ўзаро алоқасини кўрсатадиган суффикслар сўз турловчи суффикс дейилади. Бунда мен бу китобни кутубхонадан олдим (турловчилар: **-ни, -дан, -дим**), Аҳмаднинг акаси институтда ўқийди (турловчилар: **-нинг, -си, -да, -йди**), Қарим далага кетди (**-га, -ди**) гапларидаги сўзларнинг ўзаро боғланишига хизмат қилувчи суффиксларнинг ролига аҳамият берилган. Лекин феъллардаги замон қўшимчалари (**-йди: ўқийди; ҳозирги-келаси замон: -ди: кетди: ўтган замон**) турловчилар қаторига киритилган. Бу тегишли масалаларнинг атрофлича ўрганилмаганлиги билан изоҳланади. Шунга қарамай, бу тасниф қўшимчаларнинг бўлиниши маълум бир изчилликка туша бошлаганидан далолат беради.

30-йиллар грамматикаларида **сўз таркиби** тушунчаси остида **ўзак, негиз, қўшимча** (приставка) англанди. О. Усмон, Б. Авизов грамматикасининг 1-наширида шу тушунчага **ўзак, негиз, суффикс, префикс** ҳодисаси бириктирилди. 1943 йилдан бошлаб (шу йили А. Қ. Боровков, А. Ғ. Ғуломов, З. Маърупов, Т. Шермуҳаммедовнинг ўрта мактаблар учун грамматикаси нашр этилди) **сўз тузуми сўз состави** атамаси билан алмаштирилди ва бу доирага **ўзак, негиз** тушунчалари киритилди, **қўшимча** атамасига ёндош атама — **суффикс** ҳам сақлаб қолинди.

Демак, 50-йилларгача нашр этилган ишларда қўшимчалар икки турга ажратилган: **сўз ясовчилар** (бу доирага ҳозирги тор маънодаги форма ясовчилар ҳам киришиб юборилган) ҳамда **турловчилар** (**сўз ўзгартувчилар**). 1943 йилда проф. А. Ғ. Ғуломов турловчиларни фарқлаш учун **тусланиш** атамасини таклиф қилди. Бунгача **турланиш** ва **тусланиш** умумий бир ном билан **турланиш** деб юритилар эди. Шу йилдан эътиборан келишиқ қўшимчалари **турловчилар**, феълнинг шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши **тусланиш** деб, бу қўшимчалар эса **тусловчилар** деб фарқлана бошлади (23, 38).

50-йиллардан бошлаб умумий тилшунослик соҳасида эришилган ютуқлар асосида ўзбек тилшунослигининг бир қанча масалалари, хусусан, **сўз таркиби** масалалари ҳам янги назарий-методик йўналишда текширила бошлади. Жумладан, профессор А. Ғ. Ғуломов қўшим-

чаларнинг маъно ва вазифаси жиҳатдан уч қисмли таснифини тақлиф этди: **сўз ясовчилар, форма ясовчилар, сўз ўзгартувчилар** (қаранг: «Ҳозирги замон ўзбек тили», Тошкент, 1957, 291-292-б.). Сўз ясовчилар иш кўриш чегарасига қараб иккига ажратилади: 1) ички ясалиш — бир сўз туркуми доирасида сўз ясовчилар; 2) ташқи ясалиш — турли сўз туркумлари доирасида сўз ясовчи қўшимчалар. Бу тасниф ҳозир ҳам олий мактаб қўлланмалари, ўрта мактаб дарсликларида мавжуд.

70-йилларда профессор А. П. Ҳожиев қўшимчаларни маъно ҳамда вазифасига кўра **сўз ясовчилар, форма ясовчилар** деб икки турга ажратди. Сўз ясовчилар янги лексик birlikлар яратиш учун хизмат қилса, форма ясовчилар сўзнинг морфологик формаларини ҳосил қилади. Ўз навбатида, форма ясовчилар сўз туркумлари доирасида грамматик категориялар (отларда сон, эғалик, келишик; сифат ва равишда даража; феълларда бўлишли-бўлишсизлик, даража, майл, замон, шахсон)га муносабатига қараб: а) категориал форма ясовчилар бирор грамматик категорияга тааллуқли қўшимчалар; б) нокатегориал (функционал) — бирор грамматик категорияга тааллуқли формалар ҳосил қилмайдиган қўшимчалар (52, 40—42) га ажратилди.

Маълумки, А. М. Пешковский «Илмий асосдаги рус синтаксиси» (1914) номли китобида сўз ўзгартувчи (форма ясовчи)ларни синтактик ҳамда синтактик бўлмаган турларга ажратган эди. Қўшимчаларнинг уч бўлакли таснифида ҳам форма ясовчилар (тор маънода) ва сўз ўзгартувчиларнинг фарқланиши учун синтактик мезон қўлланган. Агар сўз ўзгартувчилар гапда сўзларни ўзаро боғлаб, синтаксис учун хизмат қилса, форма ясовчилар (тор маънода)да бундай функционал белги йўқ. Улар янги сўз ҳам ҳосил қилмайди, гапда сўзларни ҳам боғламайди, бир сўзнинг айрим морфологик шакллариинигина яратиш учун қўлланади. Бу каби ҳолатларни проф. А. Ғ. Ғуломов кейинги ишларидан бирида махсус таъкидлаган эди: «Аффиксация орқали, одатда, шундай ҳодисалар юзага келади: янги сўз ясалади: **ақлли** (отдан сифат яшаш), **очиқ** (феълдан сифат яшаш) каби; сўз формаси ҳосил бўлади; **оқиш, катгароқ, қисқача, шириингина** каби. Бу аффикслар синтактик вазифани бажармайди; **-га, -да** каби келишик аффикслари; **-им, -инг** каби эғалик аффикслари эса синтактик функцияга эга: улар сўзларни бир-бирига боғлаш вазифаси-

чи бажаради: **мактабга бормоқ, курортда дам олмоқ** каби. Демак, сўз ясовчи атамасининг қаршисида турган форма ясовчи атамаси икки хил аффиксларни ўз ичига олади: синтактик бўлмаган форма ясовчилар ва синтактик форма ясовчилар. Бу форма ясовчи аффикс атамасининг кенг маънода қўлланишидир. Одатда, бу атама тор маънода қўлланиб, фақат биринчи тур (-иш, -имтир) каби аффиксларни билдиради, иккинчи тур эса сўз ўзгартувчилар саналади» (43, 4).

Проф. А. П. Ҳожиев олий мактаб талабалари учун чиқарилган дарсликда (Тошкент, 1980) морфемаларнинг жойлашиши, ўринлашиш тартиби ҳақида фикр билдириб, форма ясовчиларни синтактик муносабат ифодаламайдиган ҳамда ана шу муносабатни ифодалайдиган турларга ажратади. Бундай турларга ажратиш, афтидан, муаллифнинг тил ҳодисаларини тушунтириш учун қулайроқ йўл танлагани билан изоҳланса керак. Чунки олим аввалги ишларида синтактик муносабатни кўрсатиш ёки синтактик муносабатни кўрсатмаслигига қараб форма ясовчи аффиксларни икки турга ажратишнинг «...на назарий асоси, на амалий аҳамияти бор» (52, 41) деб уқтирган эди.

Проф. А. Ғ. Ғуломов ўз вақтида ҳар иккала тасниф — уч қисмли ҳамда икки қисмли тасниф бир-бирини рад этмаслиги, балки тўлдириши; мукамаллаштириш хусусиятига эгаллигини алоҳида таъкидлаган эди.

Проф. Ш. У. Раҳматуллаевнинг фикрича, «Асли таснифни алмаштириш йўли билан эмас, балки тил ҳодисаларининг моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш йўли билан бориш мақсадга мувофиқ (19, 48). Агар бирор морфема тил бирлигининг доимий таркибий қисми сифатида қатнашса, сўз ясовчи, нутқ бирлигини тузиш жараёнида қатнашса, форма ясовчи деган тезис **-дек қўшимчаси** мисолида исботлаб берилган.

Юқоридаги қўшимчалар таснифида тил ҳодисаларининг энг умумий томонлари қамраб олинган. Негаки, қўшимчаларнинг айрим турлари тегинли манбаларда турлича изоҳланмоқда. Масалан, баъзи фикрларга кўра, **-дек, -дай, -даги, -гача** каби қўшимчалар сўз ясовчи саналса, бошқа фикрларга кўра, улар форма ясовчилардир. Туркийшуносликка доир адабиётларда бу қўшимчалар келишиқ формалари деб ҳам қаралади. Мавҳум от ясовчи **-лик** қўшимчаси (**гўзаллик, яхшилик**) феъл сўзларга қўшилса (**ўқимоқлик, бормоқлик,**




боришлик) форма ясовчи деб кўрсатилади; **-ники**, (қарашлилик формаси: **уйники**, **бизники**) аввалги фикрларга кўра сўз ўзгартувчи, ҳозир эса у отнинг нокатегориал формаси, тор маънода **форма ясовчи** саналади ва бошқалар. Қисқаси, қўшимчалар тизимга хос хусусий масалаларда (ҳатто асосий, фундаментал масалаларда ҳам) нафақат ўзбек тилшунослигида, балки туркийшуносликда ҳам бир хилликка эришилганча йўқ. Булар қўшимчаларнинг тасниф асоси, уларнинг маъно ҳамда вазифаси, сўз ва форма ясалышнинг чегараси каби масалалар бўлиб, бу масалалар фан ютуқлари асосида атрофлича ўрганилишини талаб қилади.

2. Қўшимчаларга вазифадош бирликлар

Сўнгги йилларда тил бирликларига хос муносабат, алоқа ва шунга биноан, вазифа хусусиятларининг етакчи ўринга қўйилиши туфайли морфем бирликларнинг функционал кўлами, доираси, қўлланилиш чегараларини белгилаш долзарб масалалардан бирига айланди. Шу муносабат билан қўшимчаларга вазифадош, улар мақомига, тўла бўлмаса-да, эга бўлган айрим ҳодисалар белгиланади. Шулардан бири **аффиксоидлардир**. Маълумки, бу тушунча 50-йилларнинг бошларида герман тилларининг тадқиқотчиси М. Д. Степанова томонида «ярим аффикс» («полуаффикс», «полупрефикс», «полу-суффикс») атамаси билан тилшуносликка киритилган эди. Олиманинг фикрича, сўз ясалишида қўшма сўзнинг иккинчи қисми (компоненти) бўлиб келувчи элемент сўз ясалишида фаол иштирок этиб, қисман ёки тўлалигича ўз маъносини йўқотади ва амалда қўшимча ролини бажаради, худди қўшимчалар каби бирор категория (сўз ясалиш типи)га тааллуқли бўлади, маълум маҳсулдорлиги туфайли ўхшашлик йўли билан янги асосларга ҳам қўшила олиш қобилиятини намоён қилади, қўшимчалар билан рақобатга киришиб, ҳатто улар бажарадиган вазифа ва кўлам доирасида ҳаракат қила бошлайди. Бунга намуна сифатида **-хона** аффиксоидини келтириш мумкин. Асли тожикча **хона** сўзи ўзбек тилида уй, уйнинг бўлмаси, ундаги бир жой, ўрин маъносини англатади (тожик тилида эса қўшма сўзнинг қисми ҳамда аффиксоид вазифаларида келади). Аини ана шу ўрин, жой маъносидан кейинчалик қўшимчалар (ўрин-жой билдирувчи қўшимчалар: **-зор**: **терақзор**; **-лик**: **қумлик**; **-го**; **сайилгоҳ**; **ўйингоҳ**...) қатори-

та умумлашган маънони ифодаловчи **-хона** аффиксоиди қўшилади. Дастлаб бу аффиксоид тожикча сўзлар таркибида кириб келган: **корхона, қироатхона, касалхона...** Сўнг ўзбекча асосларга ҳам қўшила бошлайди: **босмахона, ўтинхона, бузоқхона ... кулгихона. Ҳатто ўхшашлик йўли билан русча-байналмиал сўзларга ҳам бирика олади: почтахона, ваннахона, душхона, гриммхона, консулхона, пивохона...**

Юқорида келтирилган мисоллар ташқи томондан қўшма сўзларга ўхшаб кўринса-да, иккинчи қисм (хона)нинг кўп такрорланиши, асл маъносидан узоқлашиб, ўрин-жой маъносини билдирувчи қўшимчаларга тенг келиб қолиши уни ёрдамчи морфема мақомини ҳам эгаллаган деб ҳисоблашга асос беради. **-Хона** аффиксоиди ясамаларнинг маълум маъно, вазифа алоқаси билан боғланган тўдаларини бир сўз ясалиш занжирига бирлаштиради, натижада ўзаги ҳар хил, ёрдамчи қисми бир хил бўлган ясамаларнинг бирлашуви юзага келади (тил тараққиёти жараёнида қўшма сўзлар — композиция соҳасидан қўшимчали бирикмалар — аффиксация туғилади):



Қўшимчасимон бириклар сўз ясалишидагина эмас, балки шакл ясалишида ҳам кўринади. Бунга эркалаш, кичрайтиш, ҳурмат каби маъноларни англатувчи, мустақил сўз сифатида ҳам қўлланувчи **-жон, -хон, -ой, -бой, -той, -буви, //** **-биби** бириклари мисол бўла олади. Булар асос билан бириккан ҳолатда қўшма сўзлар доирасидан чиқиб, ҳозир бир асос ва қўшимчага тенг келув-

чи бирликка ажралади: болажон, отажон, Санамой, Қаримбой, Иристой, Хонбуви // Хонбиби. . .

Ташқи томондан сўзга ўхшаб кўринадиган, шу билан бирга, мустақил сўз ҳолатини, алоҳида сўзлик белгисини ҳам сақлаб қўлланилаётган бирликлар (**билан, учун, сари; энг, эди, экан, эмиш** каби бирликларнинг мустақил сўзга тенг келган, шу белгига эга бўлган таянч манбаи — дастлабки маъноси сақланиб қолмаган, шунинг учун улар аффиксоидлар эмас) феъл сўз туркумида ҳам кенг тарқалган ҳодисалардир. Ҳозирги тилда анча миқдордаги феъллар (проф. А. Ғ. Ғуломов ҳисоби бўйича 27 та, проф. А. П. Ҳожиев ҳисобига кўра 30 та) мустақил қўлланиш билан бирга, маълум қолип (модель) доирасида кўмакчи феъл вазифасида келади. Бу феълларнинг маъноси худди қўшимчаларнинг маъноси каби умумлашган, луғавий маънодан узоқлашган. Масалан, **кулиб қўйди, айтиб берди, гапириб юрди** феъллари тузилишига кўра қўшма эмас, чунки **қўй, бер, юр** феъллари иш-ҳаракатнинг тўсатдан бўлиши, узоқ давом этиши каби грамматик маъноларни англатади, демак, улар қўшимчалар мақомига эга (аслида бу ўринларда **-иб қўй, иб бер, -иб юр** — аналитик қўшимчалар тарзида белгиланиши керак. Бу ҳақда қуйроқда яна сўз юритилади). Шу сабабли уларнинг товуш томони осонлик билан ўзгаришга учрайди ва шаклан қўшимчаларга яқинлашади: **-бой > -вой: Мелибой > Меливой; -иб юбор > кетиб юборган > кетворган**. Бу товуш ўзгаришлари аффиксоидларнинг аффиксларга айланишини тезлаштиради: **бора тургон > боратигон > борадиган; бор-а-диган: — диган: бориб ётибди > бораётибди > борапти. . .**

Демак, аффиксоид (аффикссимон, қўшимчасимон бирлик)лар тил ички қурилишида содир бўлувчи жараёнлар бўлиб, тилнинг ёрдамчи морфемалар сатҳини янги функционал бирликлар билан тўлдириб боради.

Тил тизимидаги морфемаларга, хусусан, қўшимчаларга ўхшаш ҳодисалардан яна бири **субморфлар** (субморф — «морфга ўхшаш»: морф — морфеманинг амалдаги бир кўриниши) дир.

Маълумки, тил тизимидаги морфем бирликларнинг мавқеи, вазифа кўлами бир хил эмас. Айрим олимларнинг фикрича, кўп морфемали, хусусан, икки морфемали сўзларда бир қисм (элемент) морф бўлса, иккинчи қисм ҳам морф саналиши зарур. Лекин мисоллар

таҳлили «қолдиқ» қисм деб номланувчи ҳолатлар бу фикрнинг ҳамма ўринда ҳам мос келавермаслигини кўрсатади.

Югурдак, енгилтак, бўлтак, каттакон, терская, ўсимта, дўнгса, сўнгра, чинакам, ёлғондакам каби сўзлардаги **-дак, -так, -кон -кай, -та, -са, -ра, -акам, -дакам** қисмлари тарихий жиҳатдан маъноли бирликлар бўлса-да, ҳозирги тилда ўзлари қўшилган ўзак таркибига сингишиб қолган қўшимчасимон бирликлардир (ўзаксимон бирликлар — радикаллар ҳам қўшимчаларнинг фаоллиги туфайли ўзак каби ўқилиши мумкин: **сақла, тимиркила, куткила** каби сўзлардаги **-ла, -кила** аффиксларининг ҳозирги тилда қўлланилиши **сақ-, тимирс-, кут-** қисмларини ўзак сифатида тасаввур қабул қилиш имконини беради). Ҳозирги тилда қўшимчасимон ва ўзаксимон бирликларнинг мустақил қўлланадиган вакил (коррелят)лари сақланиб қолмаган.

Морфологик фразеологизмларда эса мавжуд морфемаларнинг бир морфи маъно силжиши (кўчиши) асосида янги бирликни юзага келтиради, сўзга айланиш (лексикализация), соддаланиш сабабли тил луғат таркибининг ёки грамматикасининг янги морфема билан бойи-тади. Бу жараённинг бир типини восита келишиклари (**-га, -ка, -қа, -да, -дан**) кўрсаткичларининг маълум сўзлар таркибида равишга, бошқа туркумга кўчиши, маълум морфларнинг парадигмадан узилиши ташкил қилади: *ростдан, бирдан, тўсатдан, қўққисдан, бирга, ўзга, жўрттага, янада, бирда...* Бу ҳодиса эгаллик ва келишикка хос морфлар билан мураккаблашиши мумкин: *бирданига, ёппасига...* Ҳатто айрим келишик шакли тўлалигича парадигмадан узоқлашиб, ундан тушиб қолиши ҳам ана шу жараённинг доимий тарихий ҳодиса эканлигидан далolat беради: ўзбек тили тарихида восита — қурол ҳамда жўналиш келишигининг **-гару, -кару, -қару, -ғару** кўрсаткичлари келишик доирасидан чиқиб, равишга айланган: *қишин-ёзин, очин-тўқин, эрта-индин; йлғари, ичкари, ташқари, юқори...* Айрим кўринишлари равиш сўз туркумидан чиқиб, ёрдамчи сўзлар доирасига тортилади ва грамматик бирликларга айланади: *ташқари* (бундан *ташқари*) — кўмакчи. Яна солиштиринг: **кўра, яраша, қараб, устида, остида** каби сўзлар ҳам морф ҳолатида янги бирликларга айланган.

Айрим морфларнинг маъно ҳамда вазифа фарқла-

ниши товуш орттирилиши билан характерланади. **Бошқа, зўрға, янги, ҳали** ўзаклари **-дан** чиқиш қелишиги кўрсаткичи билан қўлланганда (**т**) товуши орттирилиши туфайли янги морфемалар ҳосил бўлади: *бошқатдан, зўрғатдан, янгитдан, ҳалитдан.*

Айрим морф элементнинг маълум сўзлар таркибида ўз вазифасини йўқотиб қотиб қолиши, морфеманинг тил тизимида муҳим материал эканлигини кўрсатади. Хусусан, *кунгабоқар, кундалик, эсдалик, қўярда-қўймай* каби сўзлардаги **-га, -да** элементларини тўлақонли морфемалар дейиш учун уларнинг шу ўриндаги маъно имкон бермайди, улар вазифа ва маъноси билан шу таркибга сингишиб, ажралмас ҳолга келиб қолган. Умуман, юқорида морфем — морфологик фразеологизм деб номланган ҳодисага кирувчи морфем бирикувларни тўғридан-тўғри қисмларга ажратиш мумкин эмас, агар шундай йўл тутилса, қисмлардан англашилган умумий маънога путур етади (сўзлар асосида таркибтопувчи фразеологизмлар таҳлилини эсланг). Солиштиринг: **ўзга** (бегона маъносида), **бирга, бирдан, зўрға** каби сўзларнинг маъносини **ўз-** ва **-га, бир-** ва **-га, бир-** ва **-дан, зўр-** ва **-ға** морфларининг муайян маъносига асосланган ҳолда изоҳлаш қийин. Буларда ўзига хос маъно силжиши, фразеологизм ҳодисаси содир бўлган. Шунга кўра, бу морф birlikлар ташқи томондан ўзак ва қўшимчалар кўринишида бўлса-да, уларнинг маъно ҳамда вазифаси синхрон жиҳатдан ажралмас, яхлит ҳолга келиб қолганлигидан далолат беради. Демак, бу бирикувлар синхрон таҳлил пайтида ўзак ҳамда қўшимчаларга ажратилмайди.

Морфеманинг аниқ кўриниши — морфнинг ўхшашлик (аналогия) йўли билан қўшилиши натижасида бирор қўшимчанинг маъноси ва вазифаси хиралашиши ҳам кузатилади. Сўз ясовчи **-лик** қўшимчаси *дўнг, жар, қия асосларига, бормақ, бориш, борган* феълларига қўшилганда маъно ҳамда вазифани кучайтирувчи форма маъно келади: *дўнглик, жарлик, қиялик, бормоқлик, боришлик, борганлик...*, чунки бу ўринларда асоснинг маъноси тубдан ўзгармайди, янги луғавий birlik ҳосил бўлмайди; *ўрмонзор, тўқайзор*, (яна қаранг: *қамишзорлик, ажриқзорлик*) *тўқайстон, тўқайлик, кулбахона* бирикувларидаги **-зор, -истон, -лик, -хона** морфлари асос таркибида зўрға осилиб турган элементларни эслатади: *айёрлик — айёрчилик, юзакилик — юзаки-*

-чилик, қарилик — *қаричилик* ясалмаларидаги **-чи** морфи ҳам соф сўз ясалиш маъносига эга бўлмай, асоснинг маъносини бир оз кучайтириш ёки озайтириш каби вазифани бажаради. Албатта, бу ўринлардаги **-лик, -зор, -чи, истон** қўшимчаларини тамомила субморфлар қаторига қўшиб бўлмайди, фақат субморфлар доирасига тортилган, ўз морфемаси билан тамомила алоқани узмаган морфлар сифатида характерлаш ўринлидир. Бу ҳолат морфем кўп вазифалилик (полифункционаллик) билан изоҳланади.

Морфемасимон, қўшимчасимон бирликлар бошқа тил ўзлашмалари таркибида кириб келиб, асоснинг алоҳида сўз каби қўлланила бошлаши туфайли бир морф элемент тарзида ажратилишига ҳам олиб келади: *бомбардимон* сўзидаги *бомба* сўзи асоснинг алоҳидалик хусусияти — **р** — **димон** қисмининг ана шундай ўқилишига имкон яратади. Тожик тилидан ўзлашган **-ба** морфи (*кўча ба кўча; дар ба дар*) **-ма** шаклида такрор сўзларнинг биринчи қисмидан жой олади: *кўчамакўча, уйма-уй...*, ёки **-гарй** мавҳум от ясовчи (тожик тилида: *одамгарй, намгарй*) қўшимчаси билан келадиган асосларга ўзбек тилидаги **-чилик** қўшимчаси бемалол қўшила олмайди (солштиринг: **-одам-чилик? нам-чилик?**), шунда **-гар** (асли — **гарй**) ўзига маъно жиҳатидан ўхшаш **-чилик** қўшимчасининг юқоридаги каби асослар билан бирикишига ёрдам беради: *одамгарчилик, намгарчилик; -гарчилик* қўшимчаси ўхшашлик йўли билан ўзбекча асосларга ҳам қўшила боёлайди: *ёғингарчилик, оға-унигарчилик, эрувгарчилик...* Демак, **-р, -димон, -ма** (<ба), **-гар** — элементлари морфем бирикувлар таркибида ўз махсус маъноларига эга эмас.

Ўзбек тилидаги субморфларнинг барча типларини ўрганиш морфем таҳлил масалаларини ойдинлаштириш, морфем таркибга ажралиш даражасини белгилаш морфеманинг нутқдаги амал қилиши хусусиятларини кузатиш учун шароит яратади.

Маълумки, тил тизими ҳодисаларида ҳам асосий майдон (ядро), унга туташ зоналар (периферия) мавжуд. Агар морфемиканинг ядросини ўзак ва қўшимчалар, ноль морфемалар, аналитик формалар ташкил этса, бошқа бирликлар — субморфлар, аффиксид ва радикалдлар, аффикс — юкламалар морфемаларга

ёндош бошқа воситалар ана шу ядро билан турли даражада боғланган зопалар характеридадир.

Ўзбек тилида лексик (сўз ясалиши) ва грамматик маъно турли усуллар ёрдамида ифодаланади. Бу маъноларнинг ифодаланишида ёрдамчи сўзлар ҳам кенг ишлатилади. Бироқ морфемика фақат аффиксал морфемаларга вазифадош birlikларнигина ўрганади. От кўмакчилар сўз қамровидаги ҳодиса саналса-да, вазифа жиҳатидан келишиқ қўшимчаларига ўхшайди. Шу сабабдан улар алмашилиб қўллана олиш хусусиятига эга: *кўприкдан ўтмоқ // кўприк орқали ўтмоқ, автобуста кетмоқ // автобус билан кетмоқ, укасига олмоқ // укаси учун олмоқ...* Ҳатто айрим ўринларда кўмакчилар келишиқ қўшимчалари билан рақобатлашиб, уларнинг мавқеини сусайтирган: ҳозирги тилда қаламда **ёзмоқ** бирикмасига қараганда **қалам билан ёзмоқ** бирикмаси табиий ва нормал ҳолдир. Яна солиштиринг: **келажак учун курашмоқ** — **келажакка (?) курашмоқ ...**, **машина билан кетмоқ** — **машинада кетмоқ...**

Умуман олганда, қадимдан бери давом этиб келаётган бу жараён қўшимчалар (келишиқ қўшимчалари) билан кўмакчиларнинг тил тизимидаги яқин алоқасидан далолат беради. Ҳатто баъзи олимларнинг фикрича, восита-қурол келишиги [кўрсаткичи-(и)н] нинг истеъмолдан қолиши айнан шу маъно ва вазифада келувчи кўмакчиларнинг фаоллашганлиги билан боғлиқ. Қаранг: **кўзун кўрди** — **кўзи билан кўрди**; **эртан** — **эрта билан**; **қишин-ёзин** — **қиши билан, ёзи билан ...**

Кўмакчиларнинг вазифаси жиҳатидан келишиқларга яқинлиги уларнинг келишиқ парадигмасига тортилиши учун қулай имконият яратади. Ўтмишда (ҳозир ҳам) чама, мўлжал, тахмин билдирувчи **-чоқ** (< чагин) кўмакчисининг **-га** формаси билан бирикиши янги келишиқ қўшимчаси **-гача** (чегара келишиги)ни шакллантирди. Ўзбек тили келишиқлари тизимига еттинчи келишиқ сифатида чегара келишигини қўшиш грамматик формаларнинг ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этувчи алоқаларини кенг доирада ўрганиш имконини беради. Иккинчи томондан, туркийшунос олимлар синтетик (қўшимчалар билан шаклланган) келишиқлар қаторига аналитик (кўмакчилар билан шаклланган, шу воситалар орқали ифодаланувчи) келишиқларни ҳам қўшиш зарурлигини тавсия қилмоқдалар. Чунки грек-латин славян грамматикалари таъсирида уларга хос синтетик андоза

тўғридан-тўғри туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилига кўчирилган. Бунда туркий тилларнинг ўзига хослиги ҳисобга олинмаган, келишик маъноси ва вазифасини ифодаловчи воситалар — кўмакчилар диққат-эътибордан четда қолган. Ҳолбуки, ўзбек тилида жуда кўп маъно ҳамда вазифалар ёрдамчи сўзлар орқали ҳам берилган. Буларнинг миқдори ва салмоғини ҳисобга олмаслик бир ёқлама хулосаларга олиб келади. Ўзбек тилида ҳам, бошқа туркий тилларда бўлгани каби, қуйидаги аналитик келишикларни белгилаш мумкин:

1. **Билан** кўмакчиси орқали ҳосил бўлган **восита-биргалик келишиги**: қалам билан, телефон билан, укаси билан... Шуниси характерлики, қозоқ ва чуваш тилшунослари ҳам **менан > мэн; -па, -пэ** формаларини келишиклар сирасига киритишади. Ўзбек халқ шеваларида, оғзаки нутқда **билан** кўмакчиси синтетик форма — **қўшимчага айланган**: *мен билан > менминан > менман борасизми?*

Бу кўмакчи адабий матнларда **-ла** шаклигача қисқаради **қўл билан > қўл била > қўл ила > қўл-ла**.

2. **Учун** кўмакчиси орқали ҳосил бўлган **мақсад-сабаб келишиги**: *укаси учун олмоқ, ўқиш учун келмоқ, айтгани учун хафа бўлмоқ*... Бу кўмакчи ҳам мавҳум (умумий) грамматик маъно ифодаланганлиги сабабли оғзаки сўзлашувда **-чун** шаклига келиб қолади: **сен учун > сен-чун**.

3. **Каб**, **сингари**, **қадар**, **янглиғ**, **мисол** каби кўмакчилар орқали ҳосил бўлган **ўхшатиш-чоғиштириш келишиги**: *тош каби; тош сингари, осмон қадар*... Бу келишикнинг маъноси **-дай // -дек** ўхшатиш келишиги маъносига мос келади.

4. **Ҳақида**, **тўғрисида** кўмакчилари орқали ҳосил бўлган **изоҳлов келишиги**: *ҳаёт тўғрисида, онаси ҳақида*...

5. **Устида**, **остида**, **бўйича** кўмакчилари орқали ҳосил бўлган **ўрин келишиги**: *стол устида, масала бўйича*... Бу маъно ўрин келишиги **-даги** орқали ҳам изоҳланади.

6. **Сабабли**, **орқасида** кўмакчилари орқали ҳосил бўлган **сабаб келишиги**: *иш кўплиги сабабли, шу воқеа орқасида*...

7. **Остига**, **устига** кўмакчилари орқали ҳосил бўлган **жўналиш келишиги**: *стол остига, уй устига*...

8. **Остидан**, **устидан** кўмакчилари ёрдамида ҳосил

Бўлган кичиш келишиги: *стол остидан, уй устидан* (7, 74-84).

Туркийшуносликда, ўзбек тилшунослигида кўмакчилар қайси сўз формасига қўшилишига қараб ҳам «бош келишикдаги сўз билан бирикадиган кўмакчилар», «бош келишикдан бошқа шаклдаги сўз билан бирикадиган кўмакчилар» тарзида тасниф қилинади. Лекин синтетик келишикка қандай қилиб аналитик келишик қўшилиши ҳақида гапириш мумкин? Профессор А. П. Ҳожневнинг таъкидлашича, кўмакчили бирикувларда келишик формаси (синтетик форма) аналитик форма билан бирикиб, бир бутунликка айланади: *уйга қадар, кузга қадар* кабиларда ҳам жўналиш келишиги билан **қадар** кўмакчиси бирликда бир формани — чегара маъносини ифодаловчи аналитик формани ҳосил қилади» (53, 46). Ҳақиқатан ҳам, вазифа нуқтан назаридан кўмакчининг вазифаси олдинги ўринда туради, чунки синтетик келишик ё ноль формада туради, ё воситали келишикларнинг вазифаси бартараф этилган бўлади. Шунга кўра, аналитик келишиклар кўшма аффикслар каби икки қисмдан таркиб топади, бунда кейинги қисмнинг маъноси муҳимдир. Тилнинг системалилик табиатидан келиб чиққан ҳолда, аналитик келишикларни феъл аналитик формалари каби қуйидагича кўрсатиш мумкин: *қалам билан, укаси билан, ўқшиш учун, сен учун: Ø + билан, учун; уйга қадар, шаҳарга қадар: -га қадар; шунга кўра, биноан: -га кўра, -га биноан; стол устида, остида: Ø + устида, остида; бундан ташқари: -дан ташқари; ишга кўра, яраша, қараб: -га кўра, яраша, қараб...* Бу формалардаги биринчи қисм ўз вазифасини йўқотиб, туташтирувчи бирликка айланган. Солиштиринг: феълдаги кўмакчилар ҳам асосда асли равишдош формалари бўлган, лекин туташтирувчи элементга айланган **-б, -иб, -й, -ай** кўрсаткичлари орқали бирикади: *кулиб юбормоқ, айтиб қўймоқ, айта солмоқ, сўрай кетмоқ...* Ана шунга биноан, феъл аналитик формалари юқоридаги мисоллардан **-иб юбор, -иб қўй-, -а сол-, -й кет-** тарзида ажратилади (36).

Демак, қўшимчаларга вазифадош бирликлар орасида отдаги аналитик келишик формалари билан бирга, феълнинг аналитик формалари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Маълумки, феъллар мустақил ҳамда ёрдамчи феълларга бўлинади. Ёрдамчи феъллар асосий белгиларига қараб уч гуруҳга бўлинади: 1) сўз ясаш учун хизмат

қилувчи ва боғлама вазифасини бажарувчи ёрдамчи феъллар: **бўл, қил, -эт, айла** феъллари; 2) феълларга бирикиб турли қўшимча маъно ифодаловчи ёрдамчи феъллар. Булар «кўмакчи феъллар» деб юритилади; 3) феъллар, шунингдек, отлар билан қўлланиб, турли маъно ифодаловчи ва ёрдамчи вазифаларда қўлланилувчи феъл: **эди, экан** (57, 5).

Юқорида қайд қилинган феъллар ёрдамчи морфемалар бўлиб, улар морфем-морфологик сатҳ нуқтаи назаридан қўшимчалар билан вазифадошдир. Ёрдамчи феълларнинг бир гуруҳи -**бўл, қил, эт, айла** морфемалари «от+феъл» аналитик сўз ясаш қолипнинг иккинчи қисми бўлиб келади. Шуниси характерлики, феъл ясовчи -**ла** қўшимчаси қанчалик маҳсулдор бўлмасин, унинг от типигаги асосларни зарур ҳолларда феълга олиб ўтиш қобилияти чеклангандир. -**ла** қўшимчаси қўшила олмайдиган, ички формаси, бирикувчанлиги мос келмайдиган ҳолатларда феълга айлантириш вазифаси **қил-, эт-, айла-, бўл-** морфемалари зиммасига юкланади.

Солиштиринг: **таъзим эт** [таъзимла (?)], **рухсат эт** [рухсатла (?)], **яксон қил** [яксонла (?)] ...

Айрим ҳоллардагина аналитик феъллар -**ла** қўшимчаси билан синоним муносабатида бўлади: **тасдиқламоқ — тасдиқ қилмоқ**. Умуман, бу масала махсус ўрганилиши лозим.

Маълумки, сўз туркумлари сирасида феъл бошқа тил таъсирига кам тортиладиган туркумдир. Масалан, ўзлашмалар от сўз туркуми таркибини сезиларли равишда ўзгартириб туради. Феълдаги аналитик сўз ясовчи воситалар кўпинча ўзлашмалар билан бириккан ҳолда учрайди. Афтидан, уларнинг бир қисми тожик тилидан морфем таржима — **калькалаш йўли** билан ўзлаштирилган: **рухсат кардан — рухсат қилмоқ, яксон кардан — яксон қилмоқ, қабул кардан — қабул қилмоқ**. Русча -байналмидал сўзлар **ремонтировать, оперировать** каби ўзбек тилига **ремонт қилмоқ, операция қилмоқ** тарзида ўзлашган.

Эди, экан, эмиш ёрдамчи морфемалари феъл категориялари доирасида хилма-хил маъноларни ифодалаб, синтетик морфемалар — қўшимчалар каби вазифа бажаради (кўмакчи феъллар ҳақида юқорида фикр юритилди). **Эди, экан, эмиш** ўзи бирикиб келган форма билан замон ва модал маъноларни ифодалайди: **-ган эди, -са**

эди, -(и)б эди, -(а)р эди. . . Бу жиҳати билан бу формалар қўшма аффиксларга ўхшайди, шу сабабли нутқда яхлитланган ҳолда ҳам қўлланади: *борган эди — борганди, кўрса эди — кўрсайди, бориб эди — борувди, борар эди — борарди. . .*

Умуман, қўшимчасимон, қўшимчаларга вазифадош бирликлар тил тизимидаги ўрни, мавқеи жиҳатидан ранг-барангдир. Уларнинг табиатини атрофлича ўрганиш морфемаларнинг моҳиятини очиш имконини беради.

МОРФОНОЛОГИЯ ВА МОРФОСИНТАКСИСНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, ўзбек тили тарихида сингармонизм қонуниятининг мавжудлиги морфемалар — ўзак ва қўшимчаларнинг бир неча шаклларда қўлланишига олиб келган. Бу ўзбек халқ шеваларида у ёки бу даражада сақланиб қолган. Ҳозирги ўзбек адабий тили сингармонизмли асосдан ажратилгандан сўнг морфем қурилиш бирликлари бир қолипдаги (стандарт) шаклларга айланди, бир морфеманинг нутқдаги кўринишлари кескин камайди, амалда кўпгина ўринларда морфема билан унинг нутқдаги муайян кўриниши — морф ўртасида тенглик юзага келди. Ҳолбуки, ўзбек халқ шевалари ва оғзаки сўзлашувда ўзак ва қўшимчаларнинг шаклий ранг-баранглиги — сингармонизмли ҳамда морфонологик вариантлари сақланиб қолган. Масалан, академик Ш. Шоабдурахмоновнинг кўрсатишича, Тошкент шева-сида тушум-қаратқич келишигининг 19 ассимилятив шакли бор: ад.-орф: **-ни // -нинг шевада: -ви, -ги, -ғи, -ди, -жи, -зи, -ли, -йи, -ки, -ми, -пи, -ри, -си, -ти, -хи, -ҳи, -чи, -ши** (32, 46). Бир томондан, морфемаларни бир хил шаклга келтириш ўқитиш ишларида қулайлик яратса, иккинчи томондан, тилни сунъий камбағаллаштириш, миллий асосидан узоқлаштириш, шакл хилма-хиллигини тугатишга олиб келади. Фикримизча, адабий тил нормалари ишлаб чиқиляётганда, халқ тили ва шеваларидаги морфем шакллар атрофлича кўриб чиқилиши, етакчи ўзбек шеваларига хос морфонологик қонуниятлар аниқланиши зарур.

Сўз морфем тузилишидаги фонетик-фонологик ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг сўз таркибидаги чегараларини белгилашдаги мавқеи қадимги хинд грамматикачиларининг эътиборини тортди. Кейинчалик бу ҳоди-

салар махсус бўлим — морфонология ёки фонеморфонология номи билан ўрганила бошланди. Уларнинг бир қисми И. А. Бодуэн де Куртенэ томонидан «Фонетик альтернациялар назарияси тажрибасидан» (1895) асаридан умумлаштирилган. У бир морфеманинг морфлари ўртасидаги муносабат ҳақида фикр юритар экан, инсон онгида шакл фарқи билан муайян руҳий-семаснологик ва морфологик фарқларнинг юзага келишига алоҳида эътибор беради. Бунда олим фонетик альтернациялар (ўзгаришлар)нинг функционал табиати ҳамда морфологик шартланганлиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Морфонологиянинг ҳақиқий тарихи фонологиянинг узил-кесил шаклланиши, ҳажм ва мундарижасининг аниқ белгиланишидан бошланади. Натижада айрим ҳодисаларни фақат фонология замирида изоҳлаб бўлмаслиги, уларнинг табиати соф фонетик-фонологик характерда эмаслиги аён бўла бошлайди. Фонология ва морфонологиянинг асосчиси рус олими Н. С. Трубецкой морфем ўзгаришларнинг табиати ва ҳажмини тадқиқ этиш морфонологиянинг бош вазифаси эканини таъкидлайди (27, 80).

Туркийшунос олим В. В. Радлов 1906 йил немис тилида эълон қилинган «Туркий тиллар морфологиясига кириш» номли мақоласида морфемаларнинг ёндошлиги, қатор келиши (агглютинация) қонунияти бир қанча фонетик ҳодисалар билан зич боғланганлигини қайд этади ва бу ҳодисаларни умумлаштириб **гиперагглютинация** деб номлайди (**гипер** — гр, *юқорисида, устида, у ёки бу томонида*, **агглютинация**—лат, *уламоқ бириктирмоқ*); морфемаларнинг — агглютинатларнинг бирикиш жараёни фонетик ҳодисалар билан уйғунлашиб кетади. Бунда морфемалараро туташтирувчи унлининг пайдо бўлиши, икки ўзаро дуч келган унлининг дифтонг ёки чўзиқ унлига айланиб кетиши ёки бир унлининг тушиб қолиши, талаффуз ноқулайлигини йўқотиш мақсадида бир ундошнинг орттирилиши, ўзак ёки қўшимча таркибидаги жарангсиз ундошни жаранглига айлантириш, ўзак охирининг аффикс таркибидаги товуш билан ассимиляцияси каби қатор ҳодисалар юз беради (12, 109). Ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки туркийшуносликда ҳам бу ҳодисаларнинг ўрганилиши профессор А. Ғ. Ғуломовнинг «Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиши масалалари» (Тошкент, 1955) докторлик ишида мукаммал

тадқиқ этилган ва бу жараёнларнинг бир қисми «аффиксацияга ёндош ҳодисалар» деб аталган.

Ўзак ва аффиксларнинг ўзаро бирикиши (морфосинтаксиси) чоғида қуйидагича ҳодисалар юзага келиши мумкин:

1. Товуш алмашиши: 1) унлиларнинг алмашиши: *ишла — ишлов, сўра — сўроқ* (а) о; *от — ата, сон — сана; о/а*. 2. Ундошларнинг алмашуви: *кўрак — кўраги: к/г. . . , чирилла — чирилдоқ, шиқирла — шиқилла — шиқилдоқ: р (л) д; борар — бормас; р с / аслида р/ з/ с/*. 2. Унлининг чўзилиши: *жим ўтирди — жи: м ўтирди. . .* 3. Товушларнинг тушиши:

1. Унлиларнинг тушиши: *улуг — улғай, ўйин — ўйна*. 2. Унлиларнинг тушиши: *қарс-қурс — қасир-қусур, қочқоқ — қочоқ, настай — пасай*. 4. Товушларнинг иккиланиши: *иси — иссиқ, ачи — аччиқ. Маза — мазза, бошига — бошишига, нима — ниммага*; бунда услубий ва маъно фарқи сезилади. 5. Товуш орттириш: *парво — парвойинг, хато — хатойинг*. 6. Товушларнинг ўрин алмашиши: *ўг+ран — ўрган, ёғ+мур — ёғмур, тук+ли — тулки. . .* (41, 42).

Кўринадики, бундай ўзгаришлар морфологик характерга ҳам эга: буларнинг ҳам фонетикага, ҳам морфологияга алоқаси бор» (41,378). Демак, морфонология аффиксация билан боғланган, умуман, ўзак ва қўшимчалар, сўзларнинг ўзаро бирикиши жараёнида фонологик восита ва ҳодисаларнинг морфологик қўлланилишини ўрганадиган соҳадир. Морфонология фонология ва морфонологияни туташтириб турувчи соҳа бўлганлиги учун унда морфем бирликларнинг фонологик тузилиши ҳам ўрганилади (15, 315—316).

Профессор А. Ғ. Ғуломов ўзбек тили ва қўшимчалари фонологиясида бир бўғинли ўзак типик ҳолат бўлиб, унинг фонетик жиҳатдан қуйидагича турлари бор деб кўрсатади: 1) бир унли (у каби); 2) унли+ундош (от каби); 3) ундош +унли (де каби); 4) ундош+унли+ундош (бош том каби); 5) унли+ундош+ундош (ост—уст каби); 6) ундош+унли+ундош+ундош (тўрт, қирқ каби); 7) ундош+ундош+унли+ундош (брак каби); 8) ундош+унли+ундош — ундош+ундош (пункт каби); 9) ундош+ундош+унли+ундош+ундош (фронт каби). Улардан иккинчи ва тўртинчи турлар кўп, учинчи тури эса жуда оз учрайди (44, 288, 289).

Профессор И. А. Баскаков туркий тиллардаги ўзак

морфемаларнинг барча турлари «ундош + унли + ундош» моделининг кейинги ўзгариши ва тараққиётдан туғилган деб ҳисоблайди ва ўзакларни фонетик тузилишига кўра бирламчи ўзак морфемалар ҳамда иккиламчи ўзак морфемаларга ажратади. Бирламчи ўзак морфемалар қуйидагича тузилишга эга:

А. Содда ўзаклар:

I. Ёпиқ: 1) ундош + унли + ундош; 2) (ундош) + унли + ундош.

II. Очиқ: 3) ундош + унли + / ундош /; 4) (ундош) + унли + (ундош).

Б. Мураккаблашган ўзаклар

III. Ёпиқ: 5) ундош + унли + ундош + ундош (< ундош + унли + ундош + ундош);

6) (ундош) + унли < уднош + уднош (< (ундош) + унли + ундош + ундош).

IV. Очиқ: 7) ундош + унли + ундош + унли (< ундош + унли + ундош + унли);

8) (ундош) + унли + ундош + унли (<) ундош + унли + ундош — унли) (3. 182—184).

Еттинчи ва саккизинчи тип асосан, бошқа қариндош бўлмаган тиллардан ўзлашган ўзаклардир.

Иккиламчи ўзак морфемалар юқоридаги ўзак типларининг турлича бирикувидан ҳосил бўлган birlikлардир.

Академик А. Н. Кононовнинг фикрича, дастлабки ўзаклар унли, ундош + унли, унли + ундош тузилишида бўлган. Ҳозирги тилларда кенг тарқалган «ундош + унли + ундош» кўринишидаги ўзаклар охирида жойлашган ундош Э. В. Севортян, Б. М. Юнусалиев, А. Зайончковскийлар ҳам шундай фикр тарафдошларидир ё даража кўрсаткичи (феъл асос--ўзакларда), ё сўз ясовчи қўшимча (от асос--ўзакларда) саналади: бунда феъл — от ўзак-асосларнинг маъно қоришиқлиги (грамматик синкретизми) ҳодисаси кузатилади: *йа—н «гореть» йа + к—жечь», йа—л (воспламеняются), то—қ—«сытый», то—й«пир», то—п—«полный» ...* (11, 76—77).

А. М. Шчербак ҳам унли, ундош + унли, унли + ундош типдаги ўзакларни ундош + унли + ундош бирикувидаги модель тараққиёти билан тушунтириб бўл-

маслигини алоҳида қайд этади, чунки ана шу тип, бош ўзак типлари каби, барча ҳолатларда ҳам бирламчи характерга эга эмас. Шунингдек, унли+ундош кўрinishида тузилган ўзаклар олдидап й, в, ҳ ундошларининг уланиши (протезаси) ўзакнинг фонологик тузилиши масаласига ойдинлик киритиш учун типологик ўлчовларни татбиқ этишни тақозо этади (35, 169).

Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли ўзак сўзларнинг тил (луғат)даги миқдори ва нутқ (текст)да қўлланилиш даражаси қуйидагича: ундош+унли+ундош тури луғатда—59 фоиз, нутқда—65 фоиз; ундош+унли+ундош+ундош тури—луғатда 28, нутқда—8 фоиз; ундош+унли: нутқда—14; унли+ундош+ундош: луғатда—5; унли+ундош: луғатда ва нутқда 5 фоиз. Натижа очиқ бўғинларнинг миқдоран луғатга қараганда нутқда орта боришини кўрсатди (2, 27).

Махсус тадқиқотлардан маълум бўлишича, тил сезгирлиги (интуицияси) омилига биноан, етти--саккиз ёшгача бўлган болалар нутқида очиқ бўғинларда, шу ёшдан кейинги ва катта ёшлиларда ёпиқ бўғинларда кўпроқ қўлланар экан; бу туғма ҳолат бўлиб, сўз бошида очиқ бўғин айтилиш ва эшитилиш жиҳатидан соддалиги ва қулайлиги билан ажралиб туради (13, 111).

Морфемаларнинг энг муҳим тип, ўзак морфемалар бўлиб, улар ҳар бир тилда ўн мингларча миқдордан таркиб топадиган очиқ тизим элементларидир. Тил ўзакларнинг асосий қисмини фонетик-фонологик жиҳатдан қулай (оптимал) ҳолатга келтирган. Кўпгина тилларда, жумладан, ўзбек тилида ўзакларнинг мутлақ кўпчилиги ёпиқ бир бўғинлидир (13, 111; 30, 133—134).

Олд қўшимчалар тарихан мавжуд бўлмаган туркий тилларда, ўзбек тилида дастлабки бўғин, сўз боши, маъно қиймати, информация ташиб келиши нуқтаи назардан етакчи мавқега эга, чунки моддий асос—ўзакдаги маъно сўз охирига томон турлича даражада аниқлана боради. Шунинг учун сўзнинг бош қисми охирига нисбатан турли фонетик-фонологик ўзгариш (деформация) ларга кам учрайди (24, 444—445).

Ўзак икки ва кўп морфемали сўзларда кўпинча етакчи, бош морфема бўлганлигидап қўшимчага нисбатан фонетик барқарорлиги, турғунлиги ва камвариантлилиги билан ажралиб туради.

Ўзбек тили морфемикасининг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши, туркийшуносликда морфосинтаксис

морфоморфология, морфосемасиология, морфофонология каби йўналишларнинг юзага келиши сўз морфем тузилишининг кўп хусусиятлилиги туфайли бўлиб, маъноли (семантик) ҳамда маъносиз (асемантик) ҳодисаларнинг сўз қурилишидаги муносабати ҳам ана шу хусусиятларга бевосита алоқадордир.

Агглютинация қонунлари асосида тузилган сўзда икки ёқлама бирликларнинг — морфемалар ҳамда турли морфофонологик жараён ва ҳодисаларнинг ёндosh ҳоллари мавжуд. Бу нарса В. В. Радлов, А. Н. Кононов, А. Ф. Ғуломов каби олимлар томонидан асемантик ҳодисаларнинг бир тури сифатида ўқилиб, «туташтирувчи товушлар», «бириктирувчи унлилар», «орттирма товушлар» атамалари билан номланган.

Туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили морфемикасининг ўзгарувчан табиати ҳамда бу тизимда турган хил тарихий-генетик ва функционал ўзгаришларнинг узлуксиз содир бўлиб туриши ҳоллари мазкур муносабатларнинг табиатини кенгроқ доирада — морфотактика (морфемалар қўшилиши) нинг барча бўғинларида — ўрганиш заруратини вужудга келтиради.

Бу «соҳа», яъни «морфемалар синтаксиси» ҳам, худди сўз бирикмалари ва гап характеридаги синтактик бутунликларда кузатилганидек, ўзига хос боғловчи воситаларга эга. Айни шу ўринда мазкур воситаларнинг тил маъно тизимига муносабатини зинқлаш ва уларнинг морфем доирадаги мақомини белгилаш вазифалари келиб чиқади. Масалан, маъноли бирликларнинг асемантиклашуви жараёнлари билан янада мураккаб-лашади.

Морфемаларнинг бирикishi эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган асемантик элемент (техник бирлик, структура, конструктор, интерфикс) лар функционал табиа тига кўра, икки хил гуруҳланади: а) маънога таъсир қилмайдиган соф морфофонологик элементлар; б) маънога маълум даражада таъсир қилувчи структур элементлар.

Маънога таъсир қилмайдиган соф морфофонологик элементлар (асемантик бирлик ёхуд асемантемалар) ҳам, маънога маълум даражада таъсир қилувчи структур элементлар ҳам тил морфемика тизимида кўп учрайдиган ҳодисалар саналади. Бундай бирликларнинг вужудга келиши, асосан, қуйидагича:

1. Консонант ҳамда вокал бирикувлар («ундош+ундош», «унли+унли») дан қочиш тамойилнинг мавжудлиги туфайли вужудга келади. Бунда маълум ҳолатларда бу бирикув қисмлараро туташтирувчи товушлар пайдо бўлади: **китоб-(и)-м, бор-(а)-йлик, кўр-(и)-б** консонант бирикувлар); **де-(й)-арли, де-(й)-иш** вокал бирикувларда; туташтирувчи товушлар қавсга олинган/. Солиштиринг, оғзаки нутқда: **оила-ойила**.

2. Чўзиқликни қоплаш талаби билан вужудга келади: Масалан: *тепо-нғич, бўлғу-в-си, чолғу-в-чи, кўрса-й-ди, ҳақ-қ-и, ҳис-с-и, эга-л-ла* каби сўзлар таркибидаги **-н-, -в-, -в-, -й-, -қ-, -с-, -л-** элементлари, биринчидан, форфосемантик бирлик — морфемаларни ўзаро бириктирса, иккинчидан товуш жиҳатидан табиийлаштириш қонуниятига кўра фоносемантик бирикувларни айтишга қулай ҳолга келтиради, уларни типик бўғин кўринишларига тенглаштиради.

Ана шу тенденциянинг кучи, айниқса, грамматик ясалиш характерида бўлган редупликатив форма (қипқизил, ям-яшил, бус-бутун, типпа-тик, лиммо-лим каби) ларнинг ҳосил бўлишида яққол кўринади. Муҳими шундаки, ортирилган структур асемантик элементлар ва уларнинг бирикуви (п, м, с, ппо, ммo) талаффуз ноқулайлигини бартараф этиш, қисмларни боғлаш билан биргаликда, маънонинг реаллашувида актив қатнашиб, морфем тизим бирликларига жуда яқинлашади.

3. Сўз таркибида геминат — қўш ундошлар пайдо бўлиши жараёни ҳам асемантемаларни вужудга келтиради: **дарахтнинг уччида, чч; қизингни бошингга ур: зз; шш (9, 1)**. Геминатларнинг пайдо бўлиши баъзан сўз маънолари ва маъно нозикликларининг фарқланишига ҳам олиб келади: **бошқатган** (бошқадан), **ҳалитган, зўрғатган**.

Кўринадики, сўз морфем тузилишининг асемантик элементлари соф синтактик ҳамда фонетик вазифа (бириктириш, талаффуз ноқулайлигини бартараф этиш) билан чегараланибгина қолмай, тил семантикасига, мазмун томонига ҳам таъсир ўтказади. Агар туташтирувчи, бириктирувчи товушлар (-й-, -у-, -а-, -и-) фонологикструктур вазифа бажарса, тўқроқлаш (редупликация) ва геминация ҳодисаларида бу вазифа ёнига маънони реаллаштириш, кучайтириш каби вазифалар ҳам қўшилади. Кейинги вазифа билан улар мор-

фемалар сатҳига яқинлашса-да, уларни икки ёқлама тил бирликлари сирасига киритиш мумкин эмас. Асемантик элементларнинг бу вазифаси маъно кучайтиришнинг фонетик воситалари сифатида характерланади (бу яна бошқа фонетик воситалар, масалан, унлининг чўзилиши орқали ҳам билдирилиши мумкин: ка: тта, уззу: кун). Лекин айрим маънога эга бўлмаган элемент давр ўтиши билан, маъноли элемент тарзида ҳам ўқила бориши мумкин. Масалан, сифатдошнинг тарихий формасини ҳосил қилувчи **-ғучи** аффикси тараққиётида айни шу ҳол кузатилади: бу қўшимча ва унинг вариантларидаги биринчи ундошнинг тушиб қолиши (бу товушлар, айниқса, **ғ** товуши қисқаришга жуда мойил) натижасида унлидаги аввалги билинар-билинемас чўзиқлик (**— гу: ни > — у: чи**), кучаяди, буни қоплаш учун **в** ундоши орттирилади (1956 йилгача бўлган имло ўлчовини эсланг: **келучи, боручи**; бу тил ҳодисаси ўша йили қабул қилинган имло қондаларида мустақкамланган: **келувчи, борувчи**). Бу ҳолат шундан далолат берадики, морфофонологик ўзгаришлар сўз таркибини хиралаштириши, семантик элементларни белгилаш қийинчилигини туғдириши мумкин. Шу сабабдан бўлса керак, илмий адабиётларда **-(у) вчи** аффиксининг **-(у) в** компоненти ҳаракат номи ясовчи форма деб кўрсатилади, ҳолбуки, **-(у) в** нинг бу тарзда ўқилиши кейинги тасаввурлар натижасидир. Аслида **-ув** формасидаги **-у-** қолдиқ элемент (**-ғу** шаклининг қисқаришидан ҳосил бўлган), **-в** туташтирувчи товушдир. Демак, асемантик элементларнинг сўз таркибидаги мавқеини эътиборга олмастик тил далилларини тарихий ҳамда ҳозирги нуқтаи назардан талқин қилишда субъектив ёндашишни кучайтиради. Масалан, айрим манбаларда жамловчи сон ясовчи **-ала** аффиксининг **икки, уч** (баъзан **тўрт**) сўзларига бевосита қўшилиши, **тўрт, беш, олти, етти** сўзларига доналик сон ясовчи **-та** ёрдамида бирикishi ҳақида гапирилади: **тўртталамиз, бешталамиз /бешчаламиз/, олтиталамиз** (39, 328). Лекин бу ўринда сийрак қўлланилувчи **олтитала, еттита** (сўз таркиби узайган сайин айтишга ноқулай бўла боради, шунинг учун у қисқаришга интилади; ёки қисқа эквивалентлари қўлланилади: **олтала, еттала, олтов, еттов каби**) формаларидан ташқари, **уч, тўрт, беш** сўзларида геминация ҳодисаси юз беради: **уччала, тўрттала, бешшала (бешчала)**

(10, 47). Демак, бавосита ҳамда бевосита қўшилиши ҳақида фикр юритиш бу ўрнида мустақил морфема билан асемантик элементлар функциясини қоринтиришга олиб келади.

Сўз тузилишида семантик ва асемантик элементлар муносабатидаги энг муҳим қирра бу семантема (морфема) ларнинг асемантик элементлар вазифасида қўллана бориши ва улар фондини тўлдирга бориши хусусиятидир, албатта.

Морфемалар асемантиклашуви десемантизация жараёни билан боғланади. Одатда, оралиқ ҳалқаларда келувчи аффиксал формалар десемантизация ҳодисасига нисбатан кўпроқ учрайди: гиперагглютинация (В. В. Радлов) ёки фузия (А. Н. Кононов) қонунлари асосида тилда янги ўзаклар («нофаол ўзак+нофаол афф.» муносабатидан), янги аффикслар («афф+афф» муносабатидан) ҳамда морфофонологик-структур элементлар пайдо бўлиб боради. Буни бирмунча кейинги тарихий далиллар ҳам тасдиқлайди. Масалан, **бур-бура**, **сўр-сўра**, **қиз-қизи**, **тўз-тўзи**, **бит-бити** формаларининг «бир марталик-давомийлик» қарама-қаршичилиги сўниб, маъно тенглиги вужудга келган¹. Семантик чизгиларнинг хиралашуви интенсивлик формаларининг қўшимча (факультатив) йўсинда қўлланишига олиб келади: **қизмоқ — қизимоқ**, **тўзмоқ — тўзимок**. Шу билан бирга, кейинги феъл сўзларнинг шакл ўзгаришида бу элемент туташтирувчи товуш мақомини эгаллайди: **қиз-(и)-ди**, **қиз-(и)-ш-ди**, **қиз-(и)-ган**, **қиз-(и)-т-ди**. Солиштиринг: **бити-ди**: **бит-(и)-к**, **юру—ғ**: **юр-(у)-ғ**. Ўзбек тили тарихига оид юқоридаги каби бошқа бир қарама-қаршиликнинг (кулғон — кулагон, борғон — борагон) бартаграф бўлиши «аффикс таркибининг кенгайиши» (А. Зайончковский, А. Ғ. Ғуломов) га сабаб бўлган (-агон ҳозир сифат ясовчи қўшимча ҳукмида қаралади). Шунга ўхшаш, лекин бошқача ҳолат **бириси**, **бутуниси**, **шуниси**, **буниси**, **кўписи** (болалар нутқида, уларга қаратилган катталар нутқида ҳам: **қўлиси**, **оёқиси**, **қонниси**, **бунниси**) сўзларида ҳам мавжуд: бунда такрор ишлатилган эгалик аффиксларидан бири (-и) семантема (аффикс

¹ Бу жуфтликдаги кейинги формаларни П. М. Меллоранский «ёйиқ ўзаклар» деб атаган эди. Қаранг: Араб-филолог о турецком языке». С.-Петербург, 1900, стр. 59-64.

морфема) таркибини кенгайтирмаган, балки икки ундош орасида уларни туташтирувчи товушга айланган.

Шуниси ҳам характерлики, айрим морфемаларнинг асемантиклашувига уларнинг функционал жиҳати туртки беради. «Туташтирувчи равишдошлар» деб аталувчи ҳодисалар ҳосил қиладиган **-а, -й, -б** семантемаларида аналитик формалар истеъмолининг фаоллашганлиги туфайли вазифа сатҳининг мавқеи уларнинг мазмун сатҳини деярли инкор этиш даражасида кучайган, натижада бу морфемалар асемантик бирликлар ҳуқуқида феъл негизини кўмакчи феъл билан туташтирадиган бирликларга айланган.

Тил моделларига ҳос тараққиёт ҳам айрим сўзларда аффикс таркибининг кенгайиб, оралиқ компонент маъносининг унутилишига маълум даражада ёрдамлашади: **кўригсат > корсат (кўрсат)**. Бунда **-са** элементининг десемантизациялашуви **-т** аффикси семантикасининг бутун комплекс (**-сат**) га ёйилишига сабаб бўлган.

Ўзаро синонимик ёки функционал яқин аффиксларнинг сўз таркибида унинг маъносини кучайтириш, аниқлаштириш вазифалари билан такрорланиб келиши ҳоллари ҳам мавжудки (**тойчоқча: чоқ-ча, бўталоқча: лоқ-ча, эртагача: -га -ча, эртага сўзи равиш** томон силжиган: **оқишроқ: -иш-роқ қорачароқ: -ча-роқ, кичкинагина: -кина-гина, тортишишиди, қучоқлашишиди: -иш-иш**), уларда ўзакка яқин турган қисмининг маъно ҳиссасини аниқлаш қийинчилиги туғилади. Бунинг сабаби аниқ: маъноси хиралашган, аморф элемент унинг айна шу маъносини билдирувчи бошқа элемент эвазига тўлдирила боради. Натижада морф компонент асемантик элементга айланади. Солиштиринг: **чиқ: чиқар: чақиртир, ўқи; ўқит; ўқиттир; кел; келтир; келтиртир** формаларида ҳам юқоридаги хусусиятлар мавжуддек тасаввур этилади, лекин уларда ҳар бир кўрсаткич шахс даражаланишини бирор даражада акс эттиради, функциядош морфемаларнинг бири морф даражасида асемантик бирликка айланмайди.

«Иккиламчи турланиш»¹ («двойное склонение») деб аталган ҳодисаларда кузатилагандек, сўз ясовчилар

¹ Қариндошлик билдирувчи сўзлар, агар улар умумлашган, кўчма маънода келмаган бўлса, келишиқ қўшимчалари билан турланганда, эгалиқ қўшимчаларининг қатнашини талаб этилади: **ота-м-га, ота-нг-га...**

тизимига хос маъноли элементлар ҳам ўзига nisbatan олдин ва кейин жойлашган бошқа элементларни асемантик бирлик сифатида боғлаш вазифасини бажаради.

Масалан, тожик тилидаги **намгарӣ**, **одамгарӣ** каби сўзларнинг ўзбекча эквивалентларида **-чилик** аффикси яшириладидаги «ўзак+чилик» модели қўлланилмайди: уларнинг ички формалари, ваъдентлиги мос келмайди. Шунда **-гар** (асли **-гарӣ**) ўз морфологик моҳиятини йўқотган ҳолда туташтириш вазифасини бажаради. У қўшма аффикс (**-гарчилик**) таркибий қисми сифатида аналогий йўли билан ўзбекча асосларга ҳам қўшилиши мумкин: **ёғингарчилик**, **оғанигарчилик**, **эрувгарчилик**. Ёки шунга яқин ҳодиса, **қариллик-қаричиллик**, **куллолик — куллочилик** параллелизмида **-чи** кучсиз бўлса-да, умумийликни кучайтиради (ёки бунинг акси).

Сўз қурилиши жараёнида семантик ва асемантик элементлар муносабатини текшириш диахрониянинг синхрония билан, тил меъёрлари билан алоқасини ҳамда уларнинг моҳиятини аниқлаштиришга хизмат қилади. Масалан, ҳолат маъносидagi **-ганча** аффиксли равишдошдан пайт маъносини билдирувчи **-гунча** равишдошининг фарқланганлиги ҳақидаги фикр кенг тарқалган. Ҳолбуки, **-гунча** формаси **-гу** (келаси замон сифатдоши) ва **-н** (орттирма товуш ёки эгаллик аффиксининг қолдиғи) қисмларидан таркиб топганлиги аниқ. Ёки турли матнларда, айниқса, вақтли матбуотда ўзбек тилининг етакчи морфофонологик хусусиятлари старли даражада ўрганилмаганлиги сабабли, *иншом — иншо-йим*, *даъвом — даъвоини*; *келяпти — келяпти боряпти — боряпти* каби икки хил ёзилишларга йўл қўйилмоқда. Бунда, албатта, маъно омили ҳисобга олиниши зарур. Чунки бирор вазифага эга бўлмаган элементнинг тезроқ барҳам топиши қонуний ҳол саналади.

Тилшуносликнинг умумий муаммоларига бағишланган ишларда бирор элемент сўзнинг маъно доирасига услубий нозикликларни қўшса, у асемантика ҳисоблангани керак, деган фикрлар учрайди. Бу фикрлар маъно нозикликларни сўзнинг маъно тўзимидан ташқарида туради, деган вояга асосланади. Турли пукт услубларида учровчи ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (М., 1981) дап ўрни олган айёрлик — айёргарчилик — айёргарлик; адиллик — адилчилик; ағзамоқ — ағзаноқ; тўқай — тўқайзор — тўқайистон, тўқайзорлик —

тўқайлик; омбор — омборхона; дўкон — дўконхона; қия — қиялик; дўнг — дўнглик каби мисолларда, грамматик қурилишдаги **бормоқ** — **бормоқлик**, **бериб** — **борибон** типдаги сўзларда «иккиламчи», «ёйиқ» ёки «кенгайган» формалардаги **-гар**, **-чи**, **-а**, **-зор**, **-лик**, **хона**, **-он** элементлари асосий маънони кучсиз модификациялаш, маъно ҳамда вазифани кучайтириш хусусиятига эга. Бу хил бирикувларни тил меъёрларини белгилашнинг асосий йўналишлари бўйича ўрганши маъно омилларининг аҳамияти, кесишув нуқталари масалаларини ойдинлаштиришга кўмаклашади.

АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ

1. Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. Ташкент, Фан, 1967.
2. Авазбаев Н. Структура слога и языках различных типов. Ташкент, Фан, 1968.
3. Баскаков Н. А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. М.: Наука, 1979.
4. Баскаков Н. А., Содиков А. С., Абдуазизов А. Умумий тил-шунослик. Тошкент, 1979.
5. Бегматов Э., Нейматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси // «Ўзбек тили ва адабиёти» журналі, 1989, 6 (бундан кейин — УТА).
6. Бодуэн де Куртене. Избранные труды по общему языкознанию. Том 2. М.: Наука, 1963.
7. Ганиев Ф. А. О синтетических и аналитических падежах // Вопросы тюркологии, Казань, 1970.
8. Гвоздев А. Н. Современный русский язык, г. Т., М.: Просвещение, 1973.
9. Гулямов А. Г. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке // Научные труды ТашГУ, вып. 211. Ташкент, 1963.
10. Гулямов А. Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка, ч. I. Аффиксация. Автореф. докт. дисс., Ташкент, 1955.
11. Кононов А. Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII—IX вв. Л., Наука, 1980.
12. Кононов А. Н. О фузии в тюркских языках // Структура и история тюркских языков. М.: Наука, 1971.
13. Касевич В. Б. Фонологические проблемы общего и восточного языкознания. М.: Наука, 1983.
14. Кубрякова Е. С. Основы морфологического анализа. М.: Наука, 1974.
15. Лингвистический энциклопедический словарь (гл. ред. Ярцева В. Н.). М.: Сов. энциклопедия, 1990.
16. Мелиоранский П. М. Араб-филолог о турецком языке, С. Петербург, 1900.
17. Пауль Г. Приципы истории языка. М.: Прогресс, 1960.
18. Плоткин В. Я. Строй английского языка. М.: Высшая школа, 1989.
19. Раҳматуллаев Ш.-дек формапти ҳақида. УТА, 1977, I.

20. Раҳматуллаев Ш. Отларда негизлар (биринчи мақола), УТА, 1971, I.
21. Раҳматуллаев Ш. Отларда негизлар (иккинчи мақола), УТА, 1971, I.
22. Раҳматуллаев Ш. Семема — мустақил тил бирлиги, УТА, 1981, 5.
23. Решетова Л. В. Об узбекской грамматической терминологии // «Русский язык в узбекской школе», 1962, 5.
24. Серебrenников Б. А. О некоторых фонетических особенностях конечных формативов // Современные проблемы литературоведения и языкознания. М.: Наука, 1974.
25. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1977.
26. Сравнительно — историческая грамматика тюркских языков. М.: Наука, 1988.
27. Трубецкой Н. С. Морфонологическая система русского языка // Избранные труды по филологии. М.: Прогресс, 1987.
28. Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлари, 42- том, 1- китоб, Тошкент, 1963.
29. Чинглей Г. С. Вопросы тождества морфемы и супплетивизм. Кишинев, 1980.
30. Шанский Н. М. Очерки по русскому словообразованию. М.: Просвещение, 1968.
31. Шведова Н. Ю. Об активных потенциях, заключенных в слове // Слово в грамматике и словаре. М.: Наука, 1984.
32. Шоабдурахмонов Ш. Ассимилятив қўшимчалар. УТА, 1990, I.
33. Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Имя). М.: Наука, 1977.
34. Щербак А. М. Последовательность морфем в словоформе как предмет специального исследования // «Вопросы языкознания», 1983, 3.
35. Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л.: Наука, 1970.
36. Юлдашев А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. М.: Наука, 1965.
37. Ярцева В. Н. Предисловие // Слово в грамматике и словаре. М.: Наука, 1984.
38. Якобсон Р. О. Круговорот лингвистических терминов. // Фонетика, фонология, грамматика к 70 л. А. А. Реформатского. М.: 1971.
39. Ўзбек тили грамматикаси, II томлик, I том, Тошкент, 1975.
40. Қосимхўжаева О. Сўзнинг морфологик таркиби. Тошкент, 1963.
41. Гуломов А. Ғ. ва бошқалар. Ўзбек тили морфем лугати. Тошкент, «Ўқитувчи», 1977.
42. Гуломов А. Ғ. Морфология (кириш). Ўзбек тили грамматикаси. II томлик, I том, Тошкент, 1975.
43. Гуломов А. Ғ. Сифат ҳақида мулоҳазалар (иккинчи мақола). ТошДУ илмий асарлари «Ўзбек тилида сўз ясалиши», Тошкент, 1979.
44. Гуломов А. Ғ. Фезл. // Ҳозирги замон ўзбек тили, Тошкент, 1957.

45. Ғулӯмов Е. Ғ. Ўзбек шеваларида форма ясовчи аффикслар. Тилшунослик масалалари. Илмий асарлар тўплами, II қисм, 501-сон, Тошкент, 1975.
46. Ҳожиев А., Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва уни ўрганишнинг актуал масалалари. УТА, 1982, 5.
47. Ҳожиев А. Дарсликлар талаб даражасида бўлсин. «Ўқитувчилар газетаси», 1987, 18 март.
48. Ҳожиев А. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. Тошкент, 1985.
49. Ҳожиев А. Содда, қўшма ва мураккаб сўзлар ёрдамида ясалувчи терминлар, УТА, 1983, 6.
50. Ҳожиев А. Сўзнинг морфологик ва сўз ясалиш структураси, УТА, 1976, 3.
51. Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, Фан, 1973.
52. Ҳожиев А. Форма ясовчи аффикслар, УТА, 1977, I.
53. Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Тошкент, Ўқитувчи, 1979.